

— Сен ким билан ўйнаётганини биласанми ўзи? — деганча жабрдийданинг ёқасидан олади. Машинадан тушар-тушмас жағига мушт уради. Зарба кучидан ерга қулаган А.Досимов жон ҳолатда бақира бошлайди.

10 бет

Ҳў ёққач, ундан қолган 4 минг долларни ҳам олган Хайрулла кўп ўтмай қайнонаси билан қайсинглисини кўчириб келди. Аммо ўнинг ҳужжатларини қачон расмийлаштирамиз, деган саволдан ўзини олиб қоча бошлади.

11 бет

## Mustaqillik huquq demakdir



1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan

www.huquq-gazeta.uz

2012-yil 2-avgust, №31 (812)

Бош прокуратурада

# Назоратдаги вазифалар муҳокамаси

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида кенгай-тирилган ҳайъат мажлиси бўлиб ўтди.

С.САЙДКАРИМОВ,

Бош прокуратура бошқарма катта прокурори

Унда Бош прокуратура ҳамда Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг таркибий тармоқлари раҳбарлари, шунингдек, вилоятлар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар, департаментнинг ҳудудий бошқармалари бош-ликлари иштирок этдилар.

Ҳайъат мажлисида прокуратура органларининг мамлакатда қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, жиноятчилик ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги 2012 йилнинг 1-ярми мобайнидаги фаолияти яқунлари муҳокама қилинди.

Қайд этилган даврда прокуратура органлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Президент фармонлари ва қарорлари, Ҳукумат қарорлари ижроси устидан назоратни таъминлаш борасида муайян ишлар амалга оширилди.

Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ислоҳ Каримовнинг "2012 йил ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади" мавзусидаги маърузасидан келиб чиқадиган прокуратура органларининг вазифаларини амалга оширишга устувор аҳамият берилди.

Ҳайъат мажлисида жорий — "Мустаҳкам оила йили"да оилани, айниқса, ёш оилани

моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, унинг жамиятдаги ролини янада ошириш борасидаги чора-тадбирларнинг амалга оширилишига эътиборни янада кучайтириш бўйича вазифалар юклатилди.

Шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка янада эркинлик бериш, улардан солиқ, статистик ва молиявий ҳисоботларни олишни кескин қисқартириш, хорижий инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, инвестиция дастура-рининг амалга оширилиши, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ва бандлигини таъминлашга оид қонунчилик ижроси юза-сидан назоратни кучайтириш ҳамда бу борада мутасадди идоралар мансабдор шахслари-нинг масъулиятини оширишга қаратилган зарур чораларни кўриш топширилди.

Қишлоқ жойларда уй-ҳой, муҳандислик, транспорт ком-муникациялари тармоқлари ва инфратузилма объектлари-ни қуриш ҳамда бу соҳани ривожлантиришга оид қонун ҳужжатлари ижроси устидан доимий назорат олиб бориш ҳусусида қатъий талаблар қўйилди.

Вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаат-ларини ҳимоя қилиш, улар орасида назоратсизлик ва қаровсизликнинг олдини олиш, умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчилари-ни таълимнинг кейинги босқичига тўлиқ жалб этиш, коллеж ва лицей битирувчи-ларини ишга жойлаштириш-

га оид қонунчилик ижросига алоҳида тўхталиб, бу соҳада назоратни янада кучайтириш зарурлиги ҳамда қизларни эрта турмушга бериш ҳолат-ларининг олдини олишининг барча чораларини кўриш ло-зимлиги қайд этилди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги фаолияти мувофиқлаштири-либ, улар ўртасида ҳамкорлик таъминланиб келинганлиги таъкидланиб, бу борада кенг жамоатчилиكنи жалб қилиш масалаларига алоҳида эъти-бор қаратилди.

Шулар билан бирга, ҳайъ-ат мажлисида прокурор назо-ратининг бошқа айрим йўна-лишларида камчиликларга йўл қўйилганлиги қаттиқ танқид остига олинди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Р.Қодилов то-монидан вилоятлар прокурор-лари ва уларга тенглашти-рилган прокурорлар, тегиш-ли тармоқ раҳбарларига қонунлар ижроси устидан таъ-сирчан назоратни таъмин-лашда масъулиятни, Бош про-куратура ҳузуридаги департа-мент ҳамда унинг ҳудудий бошқармалари бошлиқларига фаолият самардорлигини янада ошириш борасида қатор вазифалар юклатилди.

Ҳайъат мажлиси якунида қўрилган масала юзасидан те-гишли қарор қабул қилинди ва ижросини таъминлаш учун жойларга юборилди.

Жараён



Мустақиллик туфайли сиё-сий, ижтимоий, иқтисодий, маънавий соҳаларда, бир сўз билан айтганда, ҳаёти-мизнинг барча жабҳалари-да улкан ўзгаришлар, янги-ланишларга бевосита гувоҳ бўлиб турибмиз. Ўз эрки-мизни қўлга киритганимиз-дан эътиборан дунёдаги бошқа миллатлардан ортда қолмаслик йўлида ҳаракат қилаёلمиз. Ҳеч кимдан кам эмаслигимизни, ҳеч ким-дан кам бўлмаслигимизни дунёга баралла айтаялмиз.

## Ватан ҳимоячиларига эътибор

Ш.УЗАКОВ,

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари — Республика Ҳарбий прокурори

Қўлга киритган бу юксак марраларнинг илдири, зами-рида, аввало, мустақиллик, деб аталган бебаҳо неъмат, халқимизнинг фидокорона меҳнати, унинг тобора юкса-либ бораётган онгу тафакку-ри, эртанги кунга бўлган ишончи, эзгу орзу-интилиш-ларининг муҳассамлиги биз-га катта ғурур ва ифтихор ба-ғишлайди.

Таъкидлаш лозимки, истиқ-лолни эълон қилган вақтимиз-да ўз кучимиз, қудратимизга таяниб, ўзимиз истаган жами-ятни қуриш, ҳеч кимга қарам бўлмаслик ҳуқуқини қўлга ки-ритганимизни, бу ҳуқуқимиз-ни ўзимиз ҳимоя қила олиши-мизни дунёга баралла айт-дик. Негаки, мустақиллигини, ўзи танлаган тараққиёт йўли-ни ҳимоя қилолмайдиган мил-

лат эркин яшолмайди. Шу маъ-нода, Ватанимизни кўз қора-чигидек асраш, ҳар қандай ҳаф-хатарни бартараф этиш-га тайёр туриш, ёвуз ният би-лан кўз олайтирадиганларга зарба бериш учун қудратли Куролли Кучларга эга бўлиш йўлида мустақиллигимизнинг дастлабки онларидан бошлаб Президентимиз раҳнамолиги-да муҳим ишлар амалга оши-рилди. Миллий армиямизни барпо этиш масаласига давлат ва жамият қурилишининг гоят муҳим, узвий бир қисми си-фатида қаралди.

/Давоми 3-бетда/

Ифтихор

## Қонунийлик тараққиёт қаролати

Барча юртдошларимиз қатори анди-жонликлар Истиқлолнинг 21 ёшини ўзгача шукр, улкан бунёдкорлик иш-лари билан қарши олишмоқда. Шаҳар ва қишлоқларда янги, замонавий ишлаб чиқариш, савдо, хизмат кўрсатиш кор-хоналари, турар жой бинолари барпо этилмоқда. Бу ишда Президентимизнинг "Андижон вилоятида 2011-2015 йилларда турар жой масивлари коммунал ин-фратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори даст-турилмасам бўлмақда. Қарор асосида ша-ҳар ва қишлоқларда мисли кўрилмаган қурилиш ишлари олиб боришмоқда. Илгари Андижонда бўлган, шу кунлари қайта таъриф бўлган юртдошларимиз, хорижий меҳмонлар ҳайратга тушиш-ди, шаҳар таниб бўлмас дарахда ўзгар-гани, кўркам ва обод меканга айлан-ганини эътироф этишди. Эски маҳалла-лардаги тор, пасткам, кўрimsиз ҳовли уйчалар ўрнида қад ростлаган, меъмо-рий ечимлари бири бирига ўхшамаган,

бири бирини тақдорламайдиган кўп-қав-ватли турар жой, савдо-хизмат кўрсатиш бинолари дилни яйратади.

Президентимиз раҳбарлигида фука-роларга муносиб ҳаёт кечиришлари учун зарур шар-шароитларни яратиш-ни қўзлаб ўтказилаётган ижтимоий-иқтисодий, суд-ҳуқуқ ислохотлари ўз самарасини бермоқда. Инсон ҳуқуқла-ри қафолатланган, уларни тасарруф этиш имкониятлари яратилган фуқаро-лик жамиятининг ҳуқуқий асослари мус-таҳкамланмоқда. Иқтисодий ислохотлар натижасида вилоятимизда ҳам ишлаб чиқариш, савдо, хизмат кўрсатиш жадал ривожланмоқда. Фуқароларнинг, тад-биркорларнинг реал даромадлари орт-моқда. Тадбиркорлар сармояларини катта-кичик корхоналари барпо этиш, ишлаб чиқариш, савдо-хизмат кўрса-тини кенгайтириш, қурилиш ва обо-дончилик ишларига сарфлашмоқда.

Вилоят прокуратураси органлари томонидан ислохотлар жараёнида, жа-

мият ҳаётининг барча соҳаларида қону-нийликни таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари, давлат манфаатларини ҳимоя қилиш борасида фаол иш олиб боришмоқда. Истиқлолнинг дастлабки йилларида бошлаб аҳолини ижтимоий ҳимоялаш давлат сиёсатининг усту-вор йўналишларидан бўлиб келмоқда. Жамиятимизнинг инсонпарвар мазмун-моҳияти Президентимизнинг кам таъ-минланган, кўпболали, муҳтож оилалар-ни ижтимоий муҳофаза қилиш бораси-даги қарорларида яқол кўзга ташла-нади. Прокуратура органлари томони-дан ижтимоий ҳимояга оид қонунчилик ижроси таҳлил қилиб боришмоқда. Жорий йилнинг биринчи ярмида ушбу йўналишдаги таҳлилларнинг натижа-лари кўра 400га яқин прокурор назора-ти ҳужжатлари қўлланилди. Ижтимоий нафақаларга маблағларни молиялашти-риш, нақд пул билан таъминлаш ва тарқатиш, нафақа тайинлаш жараёнла-рида йўл қўйилган қонунбузилиш ҳолат-

лари бартараф этилди. Хусусан, Анди-жон туманидаги "Толмозор" МФЙ ман-сабдор шахслари 2011 йил ва 2012 йилнинг 3 ойи мобайнида маҳаллада умуман рўйхатда турмайдиган 17 нафар фуқароларга нафақа тайинлашиб, бюд-жетнинг 12 млн. сўм маблағини талон-тороғ қилишган. Бундан ташқари, ушбу давр мобайнида 77 та ҳолатда жами 22,7 млн. сўм нафақа пулларини ор-тиқча тайинлаб, тўлаб беришган. Андижон шаҳридаги "Наврўз", "Бобосаъ-дин", "Озодлик", "Қарағочтаги", "Жу-мабозор" маҳалла фуқаролар йиғинла-рининг раислари бошчилигидаги мах-сус комиссияларнинг нопок аъзолари томонидан 1,5 млн. сўмдан тортиб 5,3 млн. сўмгача нафақа пуллари ўзлашти-рилган. Кам таъминланган, муҳтож оилалар учун ажратилган бюджет маб-лағларига чанг солганларга нисбатан жиноят ишлари қўзғатилиб, жазонинг муқаррарлиги таъминланди.

/Давоми 4-бетда/

# Ишбилармонлар даври

Баъзи одамлар доимо жонини қойитмаган ҳолда мўймай даромад ортириш илминда юради. Уларга ҳалолликдан сўз очсанг, энсасини қотириб, ўз биғиланидан қолмайди. Бу йўлда бири фирибгарлик, бошқаси ўғирлик, талончилик, учинчиси зўравонлик қилишгача борса, яна айримлари ҳатто қотилликка қўл уришдан ҳам тоймайди. Бундай кимсалар эгри йўлдан осон манзилга етмоқни кўзлайдилар. Аммо уларнинг борар манзили аниқ. Бундайлар сири ошкор бўлгач, жиноятга яраша жазо олиб, ўзини панжара ортда кўради.

## Сохта ҳужжатлар устаси

Нуржон УТАНБАЕВ,  
СВОЖДЛҚК Департаментининг  
Чирчиқ шаҳар бўлими бошлиғи

Рустам Мухриддинов ҳам биз юқорида келтирилганмиз каби ҳалол меҳнатга бўйни ёр бермайдиган, ортиқча маънавиятсиз пул топишга мойил бўлганлар тоифасидан экан. У бу борада фирибгарлик, товламачилик ёки ўғирлик орқали эмас, бир жойда ўтириб, ҳужжатларни сохташтириш йўли билан ҳам пул топиш мумкинлигини исботламоқчи бўлди.

Ҳаммаси 2011 йилнинг май ойида таниши Жўраннинг иш жойига таширидан бошланди. Жўра гапни узокдан бошлаб, ниҳоят таширифи боисини баён қилади. Ёни, Нарғиза Умарова исмли танишининг номига транспорт воситасини, қайд этиш гувоҳномасини тайёрлаб беришни, Людмила Левченконинг фуқаролик паспортига бўлса рўйхатга олинди, деган муҳри босиб беришни илтимос қилади. Рустам танишининг илтимосини ерда қолдирмайди. Албатта, текинга эмас, 75 АҚШ долларига келишишди.

Рустам дарҳол ишга киришади. Чирчиқ шаҳри Ш.Рашидов кўчасида жойлашган, ўзи вақтинча ихарага олиб, "компьютер хизматлари кўрсатиш" хонаси ташкил этган жойга келиб, бор маҳоратини ишга солади. Кўп ўтмай компьютер ёрдамида аввал Нарғиза Умарова номига 3 донна бир хил рақамли транспорт воситасини қайд этиш гувоҳномасини тайёрлайди. Сўнгра Людмила Левченкога тегишли бўлган фуқаролик паспортини қўлга олади. Бироздан сўнг паспортдаги турар жой маълумотларига рўйхатга олинди, деган штамп ва муҳр босилган паспорт ҳам тайёр бўлади.

Расмий ҳужжатлар қалбакилаштирилгач, кўп ўтмай Жўра кўнгра қилиб, натижани сўрайди. Буюртмаси тайёр бўлганлигини эшитиб, Канат исмли танишини юбориши, у "хизмат ҳақи"ни бериб, ҳужжатларни олиб кетишини айтади. Рустам розилик билдирганидан сўнг, 10-15 дақиқа ўтар-ўтмас Канат телефон қилиб, учрашув жойини тайин қилади. Хизмат ҳақини тезроқ қўлга кириштириш иштиёқида ёнаётган Р.Мухриддинов ўзи тайёрлаган қалбаки ҳужжатларни қўлтиқлаб, учрашув жойига боради. Канатдан 100 АҚШ долларини олиб, келишувга мувофиқ 250 долларини қайтим сифатида қайтариб бераётганида СВОЖДЛҚК Департаментининг Чирчиқ шаҳар бўлими томонидан бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари билан ҳамкорликда ўтказилган тезкор тадбирда қўлга олинди.

Истиқлол берган имкониятлар ҳақида гап кетганда, мулкка бўлган муносабатнинг ўзгарганини ҳақида алоҳида гапирсак арзийди. Айнан мустақиллик йилларида тадбиркорлик ва хусусий бизнес ҳаётимизга кириб келди ва қисқа муддатда тараққий этди. Бугун ўз бизнесини йўлга қўйган тадбиркорлар билан бирга, бизнесини энди бошлаш иштиёқидаги юртошларимиз кўпчилигини ташкил қилади. Бу эса, янги тадбиркорлик субъектларининг фаолият бошлашига сабаб бўлмоқда.

Кўшқўпир туманида йилнинг ўтган даври мобайнида 336 нафар тадбиркор, 17 та хусусий корхона, 1 та масъулияти чекланган жамият, 24 та фермер ҳўжалиги, жами 378 та тадбиркорлик субъектлари рўйхатга олинган. Ушбу тадбиркорлик субъектлари асосан саноат, қишлоқ ҳўжалигига хизмат кўрсатиш, қурилиш, савдо ва умумий овқатланиш, маиший хизмат кўрсатиш соҳаларини қамраб олган. Бу рақамлар юртошларимизнинг тадбиркорликка иштиёқи тобора ортиб бораётганлигини кўрсатади.

Кўшқўпир туман прокуратураси томонидан тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва унинг кафолатлари тўғрисидаги қонунчилик ижроси юзасидан доимий

назорат ўрнатилган бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонуни ижроси аҳволи юзасидан ўтказилган 4 та текшириш натижаларига кўра 5 нафар мансабдор шахс қонунбузилишига йўл қўймаслик ҳақида огоҳлантирилди. Аниқланган қонунбузилиши, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф қилиш юзасидан 5 та тақдирнома киритилиб, 3 нафар мансабдор шахс интизомий жавобгарликка тортилди.

Тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда туман прокуратурасида жорий қилинган "007" рақамли "Ишонч телефони"нинг аҳамияти катта бўлмоқда.

## Мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилиши

Андижон вилоят прокуратурасида вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралари мувофиқлаштирувчи кенгашнинг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. СВОЖДЛҚК Департаменти, солиқ идоралари бўлими бошлиқлари, божхона бошқармаси раҳбарлари, шаҳар ва туман прокурорлари, шунингдек, шаҳар ва туманларнинг ИИБ бошлиқлари, уларнинг ҳуқуқбузарликларининг олдини олиш бўйича ўринбосарлари, жиноят қиларув ва тергов бўлими бошлиқлари иштирок этдилар.

Йиғилишда жорий йилнинг ўтган олти ойида жиноatchилик ва ҳуқуқбузарликларга қарши кураш аҳволи ҳамда келгусидаги вазифалар муҳокама қилинди. Таъкидланишича, ҳамкорликда амалга оширилган тадбирлар самараси ўларок, умумий жиноatchилик, босқинчилик, қасддан ўт қўйиш, автомашиналарни олиб қочиш, безорилик, ўзгалар мулкни ўзлаштириш каби жиноatchиларнинг камайишига эришилган.

Шу билан бирга, жойларда жиноatchилик кўринишларини тахлил этиш жараёни етарлича шаклланмаганини, унинг айрим турларининг олдини олишга имкон берувчи профилакти-

тик тадбирлар мажмуидан ва илгор тажрибадан етарлича фойдаланилмагани боис, Андижон ва Улўғнор туманлари ҳамда Қорасув шаҳрида жиноatchиликнинг бир қатор турлари ўсишига йўл қўйилган.

Йиғилишда ишсиз ва даромад манбалари номаълум бўлган шахсларни меҳнатга жалб қилиш, уларни назорат остига олиш, муқаддам судланганларнинг меҳнат билан бандлигини таъминлаш, улар томонидан қайта жиноatchи содир этиш ҳолатларининг олдини олишга йўналтирилган тадбирлар самарадорлигини ошириш, спиртли ичимликлар савдоси устидан назоратни кучайтириш, тарбияси оғир ўсмирлар ва жанжалкаш оилаларда тарбияланувчиларга нисбатан профилактика назоратини кучайтириш юзасидан мутасаддиларга аниқ вазифалар белгилан берилди.

Йиғилишда қўрилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Шавкат ИСОМИДДИНОВ,

Андижон вилоят прокуратураси бўлими бошлиғи

## Солиқдан яширилган даромад

Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасидаги қонуналар бизнеснинг жалал ривожланиши учун беқиёс имкониятларни ҳавола қилади. Унинг мамлакат иқтисодиётидаги салмоғи йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Қонун ва қонуности ҳужжатларида белгилаб қўйилган ҳуқуқларини тасарруф этиш билан бирга мажбуриятларини ҳам тўқис адо этаётган тадбиркорлар даромадларини ишни кенгайтириш, махсулот ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ҳажминини кўпайтириб боришга сарфлашмоқда. Бироқ иш бошлаш, ишни кенгайтириш йўлидаги гавлар олиб ташланган, қўлай шарт-шароитлар яратилган бир пайтда ҳам айрим нафсининг қўлга айланган шахслар зиммаларидаги мажбуриятларини қасддан бажармасдан давлат ва жамиятнинг, фуқароларнинг манфаатларига жиддий зарар етказишмоқда. Солиқ тўловларидан яширилиб, байриқонуний ортирилган даромад исиз кетмайди. Жиноatchи қилиш фаш этилмасдан қолмайди.

Ўттиз бир ёшни қоралаган, Қўқон шаҳрида туғилиб-ўсган "тадбиркор" Ахор Аминов бунни жуда яхши билади. Негаки, у муқаддам тўрт марта судланган, қонун-қоидаларини суз қилиб ичиб юборган. Биринчи бор мушталлаб, рақибига тан жароҳати етказгани учун қора қурига ўтирган бўлса, ундан кейин 2008 йилнинг октябрь ойидан 2009 йилнинг август ойигача кетма-кет уч марта даромаднинг солиқ тўловларидан қасддан яширгани, бюджет интизомини, савдо-хизмат кўрсатиш қоидаларини қўпол равишда бузгани, расмий ҳужжатларни қалбакилаштиргани учун суд-

ланиб, турли муддатларга ахлоқ туза-тиш ишлари жазосига тортилган. Бой-ваччаликни "ҳавас" қилган Ахор бундан ўзига тегишли хулоса чиқариб олмади, ҳуфиёна ишларини давом эттирарди.

"Ишбилармон" 2008-2011 йилларда раҳбарлик қилган Дангара туманидаги "Жилва таъмир қурилиш" хусусий корхонаси, 2011 йилда раҳбар бўлган Қўқон шаҳридаги "Қўқон таъмир бетон дизайн" МЧЖда ўтказилган текширишда жуда кўп микдорда даромадларини солиқдан яширгани, нақд савдо пулларини назорат касса машинасига кириш қилмай, банка топширмай, айлантириш билан шўғуллангани, жуда кўп микдорда товар айланмасини ҳисоботларда кўрсатмагани, солиқ идорасига топширилган ҳисоботларни қалбакилаштиргани аниқланиб, жиноatchи иш қўзғатилди. Ушбу ишни қўрган жиноatchи ишлари бўйича Дангара туман судида Ахор Аминов айбига тўлиқ иқдор бўлди.

У "Жилва таъмир қурилиш" корхонасига раҳбар этиб тайинланган, таниши Азизжон Усмоновни бош ҳисобчи лавозимига ишга олади. Унинг ҳужжатларини имзолаш ҳуқуқи нотариал тасдиқланади. Бироқ А.Усмонов ҳўжажўрсинга бош ҳисобчи, Ахор ҳуфиёна топаётган "фойда"га уни шерик қилиш фикридан йироқ эди. Шунинг учун ҳамма ишни бир ўзи юритади, шартномалар, бухгалтерия ҳўжатларига бош ҳисобчи ўрнига ўзи ўхшатиш имзо чекишининг "ҳаво"сини олади.

Уч йил мобайнида хусусий корхона томонидан 2 млрд. 20 млн. сўмликдан зиёд қурилиш ишлари бажарилди. Бироқ давлат солиқ инспекциясига топширилган ҳисоботларда салкам 442,6 млн.

Одилжон АБДУЛЛАЕВ,  
СВОЖДЛҚК Департаментининг Дангара  
туман бўлими бошлиғи

сўмлик бажарилган ишлар кўрсатилмайдди. Натижада 33 млн. 622 минг сўмлик солиқлар тўланмайдди. Шунингдек, Ахор 295,8 млн. сўмликдан зиёд махсулотларини нақд пулга сотиб, НКМга кириш қилмайдди, банк муассасасига топширмайдди.

"Жилва таъмир қурилиш" хусусий корхонасининг "ризқини қийгани"дан кейин А.Аминов "Қўқон таъмир бетон дизайн" МЧЖнинг ҳам тинкасини қурилади. Бу ерда ҳам бош ҳисобчи номига ишга олинган бўлиб, барча ҳўжат ишларини раҳбарнинг ўзи юритади, ҳўжатларга бош ҳисобчи ўрнига ўзи имзо чекаверади. ДСИга топширилган ҳисоботларда МЧЖнинг бошқа корхоналар билан 711,7 млн. сўмликдан зиёд товар айланмасини яшириб, кўрсатмайдди. 35 млн. 535 минг сўмлик солиқ тўловларини "тежаб" қолади. Худди шунингдек, МЧЖ томонидан амалга оширилган савдолардан келиб тушган жами 1 млрд. 252 млн. сўм нақд пуллари НКМ орқали кириш қилмай, банка топширмай, жуда кўп микдордаги қийматда савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларини бузади. Судланувчининг айби ўзининг иқдорлигидан ташқари ҳўжатли дадиллар, гувоҳлар, фуқароий давьогарларнинг кўрсатмалари билан ўз исботини қўлади. Келтирилган зарарнинг ўрнини қисман қолган А.Аминовга суд муайян муддат раҳбарлик лавозимига ишлаш ҳўқуқидан маҳрум этган ҳолда ахлоқ туза-тиш ишлари жазосини тайинлади.

# Ватан ҳимоячиларига

(Давоми.

Бошланиши 1-бетда/

Бугун мустақил тараққиёт йўлимизга назар ташлаб, Президентимиз, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислам Каримовнинг бевосита раҳбарлигида ўтган йиллар мобайнида юртимизда давр талаби ва жаҳон андозаларига жавоб берадиган Қуролли Кучларни барпо этиш, мамлакатимиз мустақиллиги, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини таъминлаш, барқарор ва изчил демократик тараққиётимизнинг ишончли кафолати бўлган миллий армиямизни шакллантириш йўлида кенг қўламли ва моҳиятан улкан ишлар қилинганига ғувоҳ бўлиб турибмиз.

Мамлакатимиз Конституциясида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳуқуқий мақоми аниқ белгиланган бўлиб, унга қўра Қуролли Кучлар Ўзбекистон давлатининг суверенитети ва ҳудудий яхлитлиги, чегараларимиз дахлсизлиги, республикамиз аҳолисининг тинч, осуда ҳаёти ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ташкил этилиши қайд этилган. Шунингдек, Конституциянинг 52-моддасида "Ўзбекистон Республикасининг ҳимоя қилиш - Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир. Фуқаролар қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташга мажбур" эканлиги алоҳида белгиланган бўлиб қўйилди.

Ҳозирги кунда ишонч билан айтишмиз мумкинки, ҳарбий хизматчиларимиз ўз ҳаётларини шарафли ва фахрли иш бўлган Ватан ҳимоясига бағишлашни ифтихор деб билишади. Албатта, бунга жавобан давлатимиз томонидан уларнинг ижтимоий ҳимояси мукаммал таъминланиб, ҳарбий хизматчиларнинг табиий қийинчиликлар мавжуд бўлган ҳудудларда олиб бораётган хизматлари қонунчилигимизга биноан бир қатор имтиёзлар билан кафолатланган.

Ҳарбий хизматнинг нуфузини ошириш, маънавий-маърифий тайёргарлик самардорлиги ва қўшинларнинг жанговар шайлигини юксалтириш, муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш, шунингдек, ҳар томонлама етук, Ватанга садоқатли ёшларни тарбиялаш, Қуролли Кучлар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларини армия мактабини ўтаган мард ва ватанпарвар кадрлар билан тўлдирish, бунинг учун пухта тайёргарлик кўрган резерв барпо этиш мақсадида ҳурматли Президентимиз томонидан бир қатор фармонлар ва қарорлар қабул қилинган.

Барча соҳаларда бўлгани каби Қуролли Кучларимиз сафларида хизмат қилаётган, Ватани ҳимоя қилишдек гоят масъулиятли ва шарафли вазифага бел боғлаган ёшлар ҳамма давлатимизнинг диққат-эътибори марказидадир. Айниқса, мустақиллик йилла-



рида миллий армиямизда амалга оширилган улкан янгиланишлар, ислохотлар, ўзгаришлар натижасида фуқароларнинг ҳарбий хизмат давомида соҳа сирларини пухта эгаллаши, шунинг баробарида, замонавий илм-фан ютуқларини чуқур ўзлаштириш учун барча шароитлар яратилди. Энг муҳими, ҳарбий хизмат ёшларнинг ҳар томонлама тобланиши, чиниқиши, баркамол инсон сифатида шаклланиши, яхши фазилатлар эгаси бўлиб вояга етишида ҳаёт мактаби вазифасини ўтамоқда. Бу эса уларнинг жамиятда ўз ўринларини топиши, Ватан равақига муносиб ҳисса қўша оладиган фарзандлар сифатида улғайишларида муҳим аҳамият касб этмоқда. Конституциявий бурчини ўтаб қайтган ўғлонларга нафақат армияда, балки резервга бўшатирилганларидан кейин ҳам ҳукуватимиз томонидан катта эътибор қаратилаётгани, ғам-хўрлик кўрсатилаётгани халқимизнинг, айниқса, ёшларнинг армияга муносабатини тубдан ўзгариштириб, ҳарбийлик юртимиздаги орзуга сазовор касблардан бирига айланди.

Мамлакатимизда миллий армиямизни тобора шакллантириш, шарафли ва масъулиятли соҳани ўз тақдири, деб билган ҳарбий хизматчиларга шарт-шароитлар, имтиёзлар яратилиш алоҳида эътибор қаратилаётганлиги ёшларимизни миллий истиклол ғояларига, Ватанга садоқат, ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашга хизмат қилаётгани армиямизнинг қиёфасини тубдан ўзгариштирди.

Миллий армиямиз сафларига ҳар томонлама етук, маънан ва жисмонан бақувват йигитларнинг саралаб олиниши юрт эртаси ва жамият равақи учун хизмат қилмоқда. Шу боис муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ва ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларнинг шарт-шароитларини янада яхшилаш, уларга имтиёзлар яратиш йўлида республикамизда бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Президентимизнинг 2005 йил 31 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга берилаётган имтиёзлар тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори муддатли ҳарбий хиз-

мат нуфузини янада оширди. Шунга қўра, муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқаролар учун республикамиз олий ўқув юртиларига киришда тест синовларида тўпланадиган энг кўп баллнинг 25 фоизи миқдориде қўшимча балл шаклида имтиёз берилганлиги ўзининг ижобий самарасини кўрсатди. Қуролли Кучларимиз сафиде муддатли ҳарбий хизматни ўтаган ва ҳарбий қисм қўмондонлиги тавсияномасини қўлга киритган кўпбал иқтидорли ёшларимиз ана шу имтиёздан фойдаланиб, олий ўқув юртиларида тахсил олиш, демакки, ҳаётда ўз ўринларини топиш имкониятига эга бўлдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Қуролли Кучлар қисмлари ва бўлинмаларида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларга республикамиз олий ўқув юртиларига кириш учун тавсияномалар беришда тегишли тартиб ўрнатиш, шунингдек, уларга берилаётган имтиёзларнинг рағбатлантирувчи омилларини кучайтириш мақсадида 2012 йил 31 май куни қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқароларга имтиёзлар тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори бу борада муҳим аҳамият касб этди. Эндиликда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафиде муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган, ҳарбий қисмлар қўмондонлигининг тегишли тавсияномаларини олган фуқаролар барча йўналишлар ва мутахассисликлар бўйича бакалаврлар тайёрлашда республикамиз олий таълим муассасаларига киришда тўплаш мумкин бўлган максимал балларнинг 27 фоизи миқдориде қўшимча балл шаклидаги имтиёзга эга бўлдилар.

Мазкур қарорга асосан, тавсияномалар берилган санадан бошлаб уч йил мобайнида амал қилади. Қарорга қўра, эндиликда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафиде муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган, аммо имтиёзлар бўйича белгиланган қўшимча балларни ҳисобга олган ҳолда танловдан ўта олмаган абитуриентларнинг республикамиздаги бошқа олий ўқув юртиларига қабул қилиш тўғрисида-

## Эътибор

ги аризалари тест синовлари тугагандан кейин 10 кун мобайнида Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси томонидан кўриб чиқилади.

Бунда абитуриент танлаган бошқа олий ўқув юртиларига қабул қилиш тасдиқланган умумий қабул квотаси доирасида, имтиёзлар бўйича белгиланган қўшимча баллни ҳисобга олган ҳолда фанлар бўйича топширилган тест синовлари фанлар тўплами (блоки) ва абитуриент томонидан тўпланган балларга мувофиқ таълим йўналишлари бўйича Давлат комиссиясининг қарорига биноан амалга оширилади.

Бундан ташқари, муддатли ҳарбий хизматни ўтаган ҳамда тўлов-шартнома шакли бўйича ўқишга қабул қилинган ва "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг фаолиятида фаол иштирок этган талабаларга шартнома суммасининг 35 фоизи миқдориде тўлов ёрдами кўрсатилади. Мазкур қарорга биноан муддатли ҳарбий хизматчиларга ҳарбий хизматдан резервга бўшаганларида бериладиган пул миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг 16 баробари миқдориде белгиланган бўлибди. Бу ҳам ҳарбий хизматдан бўша-

ган ёшлар учун бекиёс ғам-хўрлик намунаси бўлиб хизмат қилади.

Бу имтиёзлар муддатли ҳарбий хизматчиларнинг шарафли бурчага бўлган масъулиятини янада ошириб, аскарлар ўртасида соғлом рақобатни янада кучайтиради. Қарорга қўра, олий ўқув юртига кириш учун тавсияномаларни беришга масъуллар мазкур имтиёз ҳақиқий эгасини топиши учун шахсан жанговардирлар. Имтиёз ва тавсияномалар жанговар ва маънавий-маърифий тайёргарликда юқори натижаларга, зарур билим даражасига эга бўлган муносиб номзодлар учун эканлигини зинҳор унутмаслик керак. Ишончимиз комилки, миллий армиямиз сафларига саралаб олинган, ҳар томонлама тайёргарликларга эга бўлган ёшларимиз олий ўқув юртиларида тахсил олиши учун берилаётган бундай имкониятлардан унумли фойдаланиб, мамлакатимиз равақида муносиб ҳисса қўшадилар.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур қарор орқали имтиёзлар тизимини янада такомиллашгани ёшларимизни — Ўзбекистон фарзандларини юрт тинчлиги, Ватан равақи, халқимиз фаровонлиги йўлидаги эзгу ишларга руҳлантиради.

## Ишонч телефонлари

Маҳаллий давлат ҳокимияти, назорат қилувчи ва лицензия берувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектларига руҳсатномалар бериш, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш, қурилишга руҳсат бериш, кадастр орқали расмийлаштириш ва биналар ижараси учун тўлов миқдорини белгилашда қўнубузилиш, бюрократик тўсқинликлар ва сансалорликларга йўл қўйилган тақдирда, Сиз тадбиркорлар ўз ҳуқуқларингизни ҳимоя қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютга оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар прокуратураларининг қуйидаги "Ишонч телефони" рақамларига ёки «007» қисқа рақамига қўнғирок қилишингиз мумкин.

| №   | Прокуратура органлари                                                      | Ишонч телефонлари                   |
|-----|----------------------------------------------------------------------------|-------------------------------------|
| 1.  | Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси                                  | Код: 8371<br>232-43-91<br>232-45-40 |
| 2.  | Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖДЛИК Департаменти | Код: 8371<br>233-84-20              |
| 3.  | Андижон вилоят прокуратураси                                               | Код: 8374<br>224-06-09              |
| 4.  | Бухоро вилоят прокуратураси                                                | Код: 8365<br>223-74-79              |
| 5.  | Жиззах вилоят прокуратураси                                                | Код: 8372<br>226-09-62              |
| 6.  | Қашқадарё вилоят прокуратураси                                             | Код: 8375<br>221-07-82              |
| 7.  | Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси                                 | Код: 8361<br>222-26-39              |
| 8.  | Навоий вилоят прокуратураси                                                | Код: 8436<br>225-07-17              |
| 9.  | Наманган вилоят прокуратураси                                              | Код: 8369<br>226-23-02              |
| 10. | Самарқанд вилоят прокуратураси                                             | Код: 8366<br>235-07-34              |
| 11. | Сирдарё вилоят прокуратураси                                               | Код: 8367<br>223-38-22              |
| 12. | Сурхондарё вилоят прокуратураси                                            | Код: 8376<br>223-20-36              |
| 13. | Тошкент шаҳар прокуратураси                                                | Код: 8371<br>273-74-81              |
| 14. | Тошкент вилоят прокуратураси                                               | Код: 8371<br>277-76-18              |
| 15. | Фарғона вилоят прокуратураси                                               | Код: 8373<br>271-12-26              |
| 16. | Хоразм вилоят прокуратураси                                                | Код: 8362<br>227-45-71              |

Бундан ташқари, фуқароларнинг илтимос ва мурожаатларини қундалик навбатчилик асосида қабул қилиш бўйича барча туман-шаҳар прокуратураларида ишонч телефонлари ташкил этилган.

Сизнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларингиз тезкорлик билан ҳимоя қилиниши таъминланади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси

## Саҳифаларимизда Андижон вилояти



## Қонунийлик тараққиёт кафолати

[Давоми.  
Бошланғич 1-бетда]

Ўзаро узвий боғлиқ бўлган ижтимоий ҳимоя, меҳнат ва бандлик, тўлов интизоми, тадбиркорлик, банклар фаолияти, нақд пул муомаласи каби соҳаларда қонун ва қонуности ҳужжатларига қатъий риоя қилинишини таъминлаш долзарб вазифаларимиздан бўлиб қолмоқда. Президентимизнинг, ҳукуматимизнинг тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасидаги Фармон ва қарорлари иқтисодиёт, кичик бизнес жадал суръатларда ривожланиши, меҳнат ва бандлик муаммолари ҳал этиб борилиши учун қулай ижтимоий-иқтисодий муҳитни яратди. Бугунги кунда виллоятимизда фаолият кўрсатётган салкам 51 минг нафар тадбиркорлик субъектларининг 37 минг 600га яқини кичик бизнес вакиллари. Уларнинг фаолиятларига қайриқонуний аралашиларнинг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борадаги қонун ва қонуности ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини кенг оммага етказишга қаратилган тарғибот тадбирлари билан бирга жойларда муаммоларни ўрганиш ва ҳал этишни қўллаб-қувватлаш бўлиб қолмоқда. Айтиш жоизки тадбиркорликка оид қонун ва қонуности ҳужжатлари ижросини ўрганиш мобайнида аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари-га нисбатан жиноят иши қўзғатишга бўлган таъсирчан чоралар қўрилмоқда. Хусусан, "Агробанк" Ҳўжабод филиалининг бошқарувчиси М.Умаров ва Абдулла Қаҳҳор номли теҳнопрограми муқобили машина трактор парк МЧЖ раиси А.Холматовлар "Қўриқбоши фазли боғи" фермер ҳўжалигига чорвачиликни ривожлантириш учун ажратилган 30 млн. сўм кредит пулларини яқка тартибдаги тадбиркор Қ.Абдубоев орқали нақдлаштириб олишиб, талон-торож қилишгани аниқланди. Тергов мобайнида етказилган зарар тўлиқ ундирилиб, жиноят иши суд муҳокамасига юборилди. Судланувчилар қонунда қўзда тутилган жазога тортирилди.

Фуқаролар, тадбиркорларнинг "Ишонч телефони" орқали олинган мурожаатлари тезкорлик билан қўриб чиқилмоқда. Ўтган олти ой мобайнида 65 та ана шундай мурожаатлар ўрганилди, 57 таси қаноатлантирилди. Тадбиркорликнинг кенг қўл очиб бериш бораберида меҳнат ва бандлик муаммолари ўз ечимини топмоқда. Кичик бизнес, касана-чилик, оилавий тадбиркорлик билан шугулланаётганлар сони ортیب бормоқда. Ўтган олти ой мобайнида янги иш-

лаб чиқариш объектларини ишга тушириш, мавжуд корхоналарни модернизация қилиш ва кенгайтириш, кичик саноат корхоналари, микрофирмаларни, уй меҳнатини ташкил этиш, ишлаб чиқариш ва инфратузилмани ривожлантириш, ишлаб турган корхоналарнинг фаолиятини тиклаш ҳисобига қўзда тутилганидан бир мунча қўпроқ, жами 41 минг 102 та иш ўринлари яратилди. Бандликка қўмаклашиш марказларига мурожаат этганларнинг 34 минг 351 нафари иш билан таъминланди. Меҳнат бозорида тенг рақобатлашишга қўлди бўлмаган, ижтимоий ҳимояга мурожаат 3 минг 862 нафар шахслар квоталанган иш ўринларига жойлаштирилди. Шунингдек, прокуратура органлари ташаббуси билан жойларда 49 мартаба ўтказилган меҳнат ярмаркаларида 6917 нафар фуқароларга ўзлари танлаган корхоналарда иш бошлашлари учун йўланмалар берилди. Касб-ҳунар коллежлари битирувчилари ишлаб чиқариш ва дипломдиди амалиётини ўтаган корхона ва муассасалар билан тузилган уч томонлама шартномалар асосида ишга жойлаштирилди. Республика Бош прокуратурининг 2012 йил 26 май кунги фармойиши асосида жойларда тузилган штаб ва ишчи гуруҳлари томонидан назорат тадбирлари олиб боришмоқда. Назорат тадбирларида 638 та ҳолатда ишга қабул қилиш имкони бўлмаган субъектлар билан шартномалар тузилгани аниқланиб, йилгит-қизлар бошқа корхона ва муассасаларга ишга жойлаштирилди.

Иш билан таъминлашга бевосита масъул бўлган меҳнат ва бандлик марказлари фаолиятларини таҳлил этиш жараёнида аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари бартараф этилмоқда, бунга йўл қўйган мансабдор шахслар жавобгарликка тортилмоқда. Жумладан, Бўз туман бандликка қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази мансабдор шахсларига нисбатан жиноят иши қўзғатилди. Улар марказда ишламаган А.Джалолова номига ўн ой мобайнида иш ҳақи ҳисоблаб, табелларга сохта ёзув қилиб, 32,7 млн. сўм бюджет маблағларини ўзлаштиришган. Бундан ташқари, марказ мансабдор шахслари 2010-2011 йилларда салкам 4 млн. 100 минг сўмлик маъму-

рий жарималарнинг ундирилиши таъминламасдан давлат манфаатларига зарар етказишган.

Шунингдек, фуқароларнинг меҳнат қилиш, меҳнатларига яраша иш ҳақи олишдан иборат ҳуқуқлари бузилишининг олдини олиш, иш ҳақи, пенсия ва нафақаларнинг ўз вақтида тўлинишига оид қонунларга риоя этилишини таъминлаш борасида мунтазам иш олиб боришмоқда. Ўтган олти ой мобайнида пенсия, нафақа, шунингдек, бюджет ташкилотлари иш ҳақлари учун талаб этилган 47,6 млрд. сўм тўлиқ молиялаштирилиб, ўз вақтида тўлаб борилиши таъминланди. Бироқ, мониторингга олинган ҳўжалик фаолияти билан машғул субъектларда иш ҳақининг тўртдан уч қисми тўланган, ҳолос. 4,2 млрд. сўмини тўлаш ортага сурилган. Қонунбузилиш бартараф этиш учун прокурор назорати ҳўжатлари қўлланилди. Таҳлилларда иш ҳақида ажратилган бюджет маблағларини ўзлаштиришдан иборат жиноий қилмишлар ҳам аниқланди. Хусусан, Улугнор туманидаги 8-умумтаълим мактабининг мансабдор шахслари сўнги икки йил мобайнида ходимларнинг пластик картон-каларида жами 19,2 млн. сўм иш ҳақларини ортиқча ҳисоблаб ўтказиб олиш йўли билан жуда кўп миқдорда бюджет маблағларини талон-торож қилишган. Юқоридаги ҳолатларда келтирилган зарарлар тўлиқ қўпланиб, мансабдор шахсларнинг жиноий жавобгарлиги масаласи ҳал этилди.

Иш ҳақларининг узлуксиз тўланиши, тўлов интизомига қатъий риоя қилиниши, дебитор ва кредитор қарздорлиқларнинг бартараф этиб борилиши нақд пул муомаласига оид қонун ва қонуности ҳўжатларининг талабларига қатъиян амал қилиниши билан узвий боғлиқ. Ўтган олти ой мобайнида виллоят прокуратураси органлари иқтисодий ва молиявий соҳаларда қонунийликни мустаҳкамлаш, тўлов ва шартнома интизомига оид қонунлар ижросининг таҳлил-лати натижаларига қўра ваколатли идораларга 12 та тақдирнома киритди. Масъул шахсларнинг 70 нафари расман огоҳлантирилди, 9 нафари интизомий, 70 нафари маъмурий жавобгарликка тортилди. 6 та ҳолатда жиноят ишлари қўзғатилди. 44,9 млн. сўм-

лик зарар ихтиёрий ундирилди. 200,8 млн. сўмини ундириш хусусида судларга 49 та даъво аризалари киритилди. 4 нафар фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

Тўлов интизоми, нақд пул муомаласига оид қонунчилик ижросининг таҳлилларида аниқланганидек, айрим мансабдор шахслар ўз хизмат вазифаларини қўсдан бажармасдан давлат, корхона манфаатларига жиддий зарар етказишига сабабчи бўлишган. Жумладан, "Имкон қурилиш ҳамкор" МЧЖ раҳбарлари 19,4 млн. сўмлик солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлашган, салкам 1,9 млн. сўмлик боқиманда қарзларни тўлаш чораларини қўришмаган.

"Ўз Донг Янг Ко" қўша корхонаси мансабдор шахслари эса турли корхона ва ташкилотларга пул ўтказиб бериш йўли билан 473,4 млн. сўмини нақдлаштириб олишган, 2009-2011 йилларда қарзларини ўз вақтида тўламаганлари туфайли корхонага 13,9 млн. сўмлик устамажарима солинган.

Иш ҳақи ва бошқа тўловларни нақд пул билан таъминлашга бевосита масъул бўлган банкларнинг айрим мансабдор шахслари, ходимлари хизмат бурчларида соғуққонлик билан қарашлари, баъзи савдо-хизмат кўрсатиш дўконларида савдо пулларининг назорат-касса машиналарига тўла кирим қилинмаслиги оқибатида шу йил июль ойида нақд пул тушумининг прогноз ҳажмлари 93 фоизга бажарилган, ҳолос. Савдо тушуми режаси эса бор-йўғи 73 фоизга адо этилган. СВОЖДЛҚК Департаменти ва солиқ инспекцияси ҳудудий бўлиmlарининг ходимларини жалб этган ҳолда ўтказилган текширишларда савдо пулларини прогноз ҳажмига нисбатан кам ёки умуман топширмаслик ҳолатлари юзага чиқди. Виллоят прокуратураси органлари ва Департаментнинг ҳудудий бўлиmlари томонидан жами 38 млрд. 47 млн. сўмликдан зиёд савдо пуллари назорат касса машиналарига кирим қилинмани, ноқонуний пул айланмаси ҳолатлари аниқланди. Хусусан, Андижон шаҳридаги "Оптимал савдо локс" МЧЖнинг мансабдор шахслари юқори ликвидли маҳсулотлар савдосидан тушган 4,9 млрд. сўм нақд пул маблағларини назорат-касса машиналарига кирим қилиш-

**Музаффар ЭҒАМБЕРДИЕВ,**  
Андижон виллоят прокурори  
вазифасини бажарувчи

маган, банк муассасасига топширишмаган. Лицензиясиз 2,6 млрд. сўмлик иш қилиб, 32,2 млн. сўмлик солиқ ва мажбурий тўловларни қўсдан тўлашмаган. Жамият раҳбари Р.Мирзаев ва унинг шерикларига нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Жорий йилнинг ўтган олти ойи мобайнида виллоят прокуратураси органлари томонидан фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш борасида ўтказилган 429 та текширишларнинг натижаларига қўра 7990 та протест, 853 та тақдирнома киритилди. 1554 нафар шахс интизомий, 1681 нафар шахс маъмурий, 311 нафари моддий жавобгарликка тортилди. 1374 нафар шахс огоҳлантирилиб, 259 млн. сўмлик зарарлар ихтиёрий ундирилди. 1,9 млрд. сўмини ундириш ҳақида судларга 1397 та даъво аризалари киритилди. 126 та ҳолатда жиноят ишлари қўзғатилди.

Айтиш жоизки "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастурида қўзда тутилган тадбирлар тўқис бажарилишини таъминлаш, вояга етмаганлар ўртасида ҳўқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Нотинч оилаларга ўсаётган болаларга тарбиячиларни бириктириб қўйиш, ҳўқуқбузарликка мойил ўсмирларнинг бўш вақтларини фойдали машғулотлар билан банд этиш, таълим-тарбия борасида ота-оналар, педагогларнинг масъулиятини кучайтириш, фарзандлари тарбияси билан шугулланиш лаёқатини йўқотганларни оилалик, оналик ҳўқуқидан маҳрум этиш, васий тайинлаш каби қонунларимизда қўзда тутилган чора-тадбирлар изчиллик билан қўлланил-лати. 9-синф битирувчиларини, айниқса, қизларни коллеж, лицейларда ўқишга тўлиқ жалб этиш, балоғатга етмаган қизларни ўқитмасдан шаръий никоҳ билан турмушга узатиб юборишнинг олдини олиш борасида ота-оналар, ўқитувчиларнинг масъулиятларини ошириш чора-тадбирлари қўрилмоқда. Ўқувчиларни коллеж ва лицейларда ўқишга тўлиқ қамраб олиш, коллеж ва лицейлар битирувчиларининг бандлигини таъминлаш борасидаги кенг қамровли ишлар, вояга етмаганларга оид қонунларга оғишмай амал қилишга қаратилган чора-тадбирлар фарзандларимиз ҳаётда ўз ўринларини топиб олишларида олижаноб мақсадга хизмат қилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, истиқлол йиллари қабул қилинган қонунлар жамиятимиз жадал суръатларда ривожланиши бораберида фуқаролар сермаш-мун, тўқин-сочин турмуш кечиришлари учун барча шарт-шароитларни ҳавола этмоқда.





Шаҳар прокуратураси томонидан "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастурининг ижросини таъминлаш тадбирлари амалга оширилмоқда. Ушбу жараёнда Вази́рлар Маҳкамасининг 1999 йил 19 апрель кунги 180-сонли қарори билан тасдиқланган "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузуридаги яраштириш комиссиялари тўғрисида"ги Низом талабларига риоя қилинишининг аҳволи ўрганилиб, умумлаштирилди.

## Яраштириш комиссиялари:

мақсад ва вазифалар

Таҳлил натижаларига кўра, биргина 2011 йилнинг ўзига фуқаролик ишлари бўйича Андижон туманлараро судига никоҳдан ажратишни сўраб кiritилган даъво аризаларининг 641 таси қўриб чиқилган. 292 таси қаноатлантирилган, 175 та даъво рад этилиб, 41 таси иш юритувдан тугатилган.

Ўтган йил мобайнида шаҳар ФХДЕ бўлими томонидан 455 та никоҳдан ажратиш қайд этилиб, 2010 йилга нисбатан 285 тага ортган. Жойлардаги бошқарув органлари ва бошқа мустақил жамоатчилик ташкилотлари томонидан тегишли муносабат билдирилмаганлиги оқибатида қонуний никоҳ бекор қилинмасдан туриб, шаръий никоҳ орқали бошқа оила қуриш сезиларли даражада ортган.

Мазкур соҳага оид қонунчилик аҳволи жойлардаги яраштириш комиссиялари иш фаолияти Низом талаблари асосида ташкил этилмаганлиги, комиссия таркибини тузиш, яраштириш масалаларининг қўриб чиқиши талабга мувофиқ жавоб бермаслигини кўрсатди. Умумлашма натижасига кўра, шаҳар ҳокими номига тақдимнома киритилди.

Шаҳар ҳокимлигида ўтказилган, тақдимнома муҳокама қилинган йилгида 74 та МФЙларининг раислари, яраштириш комиссияларининг аъзолари, шаҳар ИИБ профилактика инспекторлари, шаҳар бош имом-хатиби, тиббиёт бирлашмаси ва бошқа мутахассис идораларнинг вакиллари иштирок этишди. Унда нотиқ оилаларни муроғаса келтириш, жоҳарларнинг олдини олиш билан ҳеч қим жиддий шуғулланмаётгани, яраштириш комиссияларининг фаолиятлари ўз холига ташлаб қўйилгани, комиссиялари тузишда, уларнинг иш юритишларида Низом талабларига риоя этилмагани кескин танқид қилинди. Прокуратура томонидан киритилган комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш бўйича семинар-машғулотлар ўтказиш зарурлиги ҳақидаги тақлиф қўллаб-қувватланди.

Дастлабки ўқув-семинар машғулотини "Бўстон" МФЙ биносида бўлиб ўтди. Унга шаҳардаги барча маҳалла фуқаро

Азизбек МАМАТХОДЖАЕВ,  
Андижон шаҳар прокурори

ролар йиғинларининг раислари таширф буюришди. Машғулот мобайнида "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузуридаги яраштириш комиссиялари тўғрисида"ги Низом талабларини баъжариб боришга оид йўл-йўриқ ва тавсиялар берилди. Оилавий жоҳарларнинг сабабларининг ўрганиш ва ўз вақтида бартараф этиш чораларини қўриб бориш зарурлиги ўқитрилди. Ўқув-семинар машғулотини билан бирга "Соғлом оила" акцияси ташкил этилди. Тиббиёт бирлашмасининг ходимлари томонидан маҳалла ҳудудида яшовчи 426 нафар фуқаролар тиббий кўрикдан ўтказилди. Кўрик мобайнида касаллиги аниқланган бемор шахсларни соғломлаштириш чоралари қўрилди. Шаҳар ДСЭНМ ходимлари 56 та хонадонларда яшовчи фуқаролар билан санитария-гигиена қоидаларига риоя этиш мавзусида суҳбатлашди. Хонадонларда профилактик зарарсизлантириш ишлари олиб борилди. Бюджетдан ташқари пенсия жағмармаси ҳамда почта алоқа тармоғи идораларининг ходимлари маҳаллада яшовчи нафақахўрларнинг ҳолидан хабар олишди. 169 нафар пенсионерларга пенсия пулларини тарқатиб беришди. Шунингдек, маҳалла ҳудудида яшовчи 7 нафар кам таъминланган, буюквасини йўқотган ҳамда ногиронларнинг ҳолидан хабар олиниб, моддий ёрдам кўрсатилди.

"Соғлом оила" акциясида иштирок этган идораларнинг ходимлари маҳалла аҳлига ўзларининг соҳавий йўналишларига оид "Эслатма" варақчаларни тарқатишди.

Шаҳар прокуратураси томонидан "Қаландархона", 4-сонли, 8-сонли маҳалла фуқаролар йиғинларида ҳам барча МФЙларнинг раислари иштирокда юқоридаги каби ишни "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузуридаги яраштириш комиссиялари тўғрисида"ги Низом талаблари асосида ташкил этишга бағишланган ўқув-семинар машғулотлари, "Соғлом оила" акциялари ўтказилди.

# Ҳуқуқдан келиб чиқадиған мажбурият

Конституциямизда, қонунаримизда мулкдорлик, тадбиркорлик, ҳусусий корхоналарни, муассасаларни ташкил этиш ва уларда иш юритиб орттирилган сармояларни тасарруф этиш ҳуқуқлари мустаҳкамлаб қўйилган. Айни чоғда ушбу ҳуқуқлардан келиб чиқадиған мажбуриятларига амал қилаётган, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтиб, солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида, узлуксиз тўлаб бораётган ишбилармонлар, тадбиркорлар эркин, бемалоҳ фаолият юритиш имкониятларидан фойдаланишмоқда.

Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасидаги қонунлар, Президентимизнинг қарорлари иш бошлаш, ишни кенгайтириш йўлидаги маъмурий-бюрократик говларни бартараф этди. Хусусий катта-кичик корхоналарда ишлаб чиқариш, савдо-хизмат кўрсатиш жадал ривожланишига кенг йўл очиб берди. Бошқармаимиз ходимлари амалдаги қонун ва қонуности ҳужжатлари, Республика Бош прокурорининг тегишли буйруқ ва кўрсатмалари асосида тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишмоқда. Фаолиятларига тўсиқ қўйиш, ғайриқонуний аралашуш ҳолатларини бартараф этиш ва уларнинг олдини олиш устида ишлашмоқда.

Йилнинг биринчи ярмида ушбу йўналишда 455 та профилактика тадбирлари ўтказилди. Тадбиркорлик субъектларининг 109 тасига тегишли тартибда давлат рўйхатидан ўттишларига, 14 тасига банклардан жами 181,9 млн. сўм миқдорида кредитлар олишларига амалий ёрдам берилди. Шу тарика 241 та кўшимча иш ўринлари яратилиш таъминланди. Буларнинг натижасида 422,4 млн. сўмлик қўшимча махсулотлар ишлаб чиқарилиди, турли хил хизматлар кўрсатилди. Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид тадбирларда 14 та ҳолатда жиддий қонунбузилиш ҳолатлари аниқланиб, жиноят ишлари қўзғатилди.

Чунотки, Департаментнинг Кўргонтепа туман бўлими томонидан ўтказилган тезкор-профилактика тадбирлари натижасида "Сардор фэйз беминнат" МЧЖнинг жуда кўп миқдордаги маблағлари талон-торож қилингани аниқланди. Яъни тумандаги "Хусусий савдо дўконлари уюшмаси" корхонасининг раҳбари А.Абдуқаҳҳоров 2010 йил декабрь ойида "Қишлоққурилишбанк" туман филиали томонидан ажратиб берилган 50 млн. сўм кредит маблағига улгуржи сотиб олинган озиқ-овқат махсулотлари чакана савдосини йўлга қўйди. Савдодан тушган 22 млн. сўм миқдоридagi нақд пулларни кредитни қопламай туриб, шахсий эҳтиёжларини қондиришга сарфлаб юборди. Кредит тўловини бошқа фирмаларнинг банкдаги маблағларини ҳисобидан қоплаш ҳақида банк филиали мансабдор шахслари билан жиноий режа тузди. Унинг ногорасига ўйнаган банк филиалининг мансабдор шахслари "Сардор Фэйз беминнат" МЧЖ раҳбарининг розилигини олмасдан туриб, ҳисоб рақамидagi маблағларининг 26,7 млн. сўмдан зиёдроғини "Хусусий савдо дўконлари уюшмаси" корхонасининг ҳисоб рақамига, кре-

дит қарздорлигини қоплаш учун қўчириб беришади. Ана шу йўсинда ўзганин жуда кўп миқдордаги маблағларини ўзлаштириб, МЧЖ манфаатларига жуда кўп миқдорда зарар етказган корхона раҳбари А.Абдуқаҳҳоров ва банк мансабдор шахслари жиноий жавобгарликка тортилди.

Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан бирга, айни чоғда бошқармаимиз ходимлари иқтисодиёт борасидаги солиқ тўловларидан бўйин товлаш, яширин цехлар ташкил этиш, жиноий даромадларни легаллаштириш, ғайриқонуний валюта муомаласи каби жиноий қилмишларни фож этиш ҳамда олдини олиш устида ишлашмоқда. Олти ой мобайнида ушбу йўналишларда ўтказилган тезкор-таҳлилий тадбирлар натижасида 225 та ҳуқуқбузарлик ҳолатлари аниқланиб, 6 та маъмурий жавобгарликка оид, 219 та жиноят ишлари қўзғатилди.

Хусусан, "Турон Ҳамкор савдо" МЧЖ раҳбари О.Тожибоев ва жиноий шериклари ДСИга 2011 йил 9 ойлик фаолиятлари хусусида топширган ҳисоботларида улгуржи савдо ва экспорт тушумларини камайтириб кўрсатиб, солиқ тўловлари борасидаги имтиёзлардан ноқонуний фойдаланиб, 164 млн. 202 минг сўмликдан зиёд ягона солиқни тўлашдан қасддан бўйин товлаган. Улар бундан ташқари, ўзгалар етиштирган мева ва полиз махсулотларини гўё ўзлари етиштиргандай қилиб кўрсатиб, жуда кўп миқдорда банкдан ташқари ноқонуний нақд пул айланмасини амалга оширишган. Нақд пулга сотиб олинган мева ва полиз махсулотларининг экспорт қилинганини ҳужжатлаштириб, экспортдан тушган 2 млн. 533 мингдан зиёд АҚШ доллари 50 фоизининг мажбурий сотувини амалга оширишмаган. Яъни бюджетга 1 млн. 266,7 минг долларни мажбурий сотишдан бўйин товлаб, "тузилган шартномага биноан" деб Буюк Британиянинг Виржиния оролларига, оффшор ҳудудга чиқариб юбориш орқали маблағга қонуний тус беришган. Шу тарика жиноий йўл билан топишган даромаднинг легаллаштириб олишган.

Эркин ХОЛМАТОВ,  
СВОЖДЛҚК Департаментининг  
Андижон вилоят  
бошқармаси бошлиғи

Шунингдек, О.Тожибоев ва бошқа мансабдор шахслар фуқаролардан мева, полиз махсулотларини нақд пулга сотиб олиб сотиш ҳамда импорт қилинган товарларни сотишдан тушган жуда кўп миқдордаги — 2 млрд. 52,2 млн. сўмликдан зиёд нақд пулларнинг банкдан ташқари ноқонуний айланмасини амалга оширишган.

Мамлакатимиз банклари томонидан эҳтиёжга кўра фуқароларга валюта алмаштириб берилиши йўлга қўйилган бир вазиятда айрим шахслар "қора бозор"да алмаштириб олиб, валютафурушларнинг тегиригига сув қўйишяпти. Бошқарманинг Асака туман бўлими томонидан ўтказилган тадбир мобайнида ноқонуний валюта олиб сотиш билан шуғулланган ака-ука Абдуқаҳҳор, Бахтиёр, Абдуманноб, Абдусалом ва Абдулатто Насриддиновлардан жами 65895 АҚШ доллари, 43880 Россия рубли, 4700 қозоқ тенгеси, 2000 киргиз соми ҳамда 52 млн. 67 минг ўзбек сўми олиниб, жиноят иши қўзғатилди.

Тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш содда-лаштирилган, тезлаштирилган, қўллаб имтиёзга ҳавола этилган бир вазиятда ҳамон ҳуфиёна пул ишлаб топиш илинжидаги "ишбилармон"лар учраммоқда. Айримлари хатто санитария талабларига мувофиқ жавоб бермайдиган шaroитларда тап тортай, яширинда озиқ-овқат махсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга уринишяпти. Мисол учун, Департаментнинг Избоскан туман бўлими томонидан МХХ ҳокимлиги билан ҳамкорликда ўтказилган тезкор тадбирда Пойтўғ шахрида яшовчи фуқаро М.Қосимова хонадонидида ноқонуний равишда электр тармоғига улашиб олиб, мойжуво дастгоҳи орқали пахта чигитидан ёғ ишлаб чиқариш билан шуғулланиб келганлиги оқибатида "Избоскан электр таъминоти" корхонасига 18 млн. 195,2 минг сўм зарар етказганлиги аниқланди ва айбдор шахсларга нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Худди шунингдек, спирт, алкоғоли ва тамаки махсулотларининг, импорт товарларининг ноқонуний савдосига чек қўйиш, банкдан ташқари нақд пул айланмасини қисқартириш йўналишларида мунтазам равишда иш олиб бoришмоқда.



# Фаолиятимизнинг бош мезони

Мамлакатимизда инсон шаъни, қадр-қиммати, унинг ҳуқуқ ва манфаатлари олий қадрият саналади. Шу сабабли ҳам мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ инсон манфаатларининг ҳар томонлама таъминланишига алоҳида эътибор қаратилди. Бунинг учун барча ҳуқуқий асослар яратилди. Ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг гайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан сулга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланган. Хусусан, сулларда фуқаролик ишлари кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бўлими томонидан сулларда прокурор иштироки таъсирчанлиги ва самарадорлигини ошириш, фуқаролар, тadbirkorлар, давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Таҳлилларга кўра, жорий йилнинг ўтган олти ойи мобайнида биринчи инстанция судларида кўрилган прокурор иштироки шарт бўлган ишларнинг 82 571 тасида прокурор иштироки тўлиқ таъминланган. Бўлим томонидан сулларда фуқаролик ишлари кўрилишида прокурор иштирокини таъминлаш, суд қарорларининг қонунийлигини апелляция мuddатларида ўрганиб бориш, ноконун суд қарорларига протест келтириш самарадорлигини ошириш борасида ишни тўғри ташкил қилиш ва назоратни таъминлаш фаолиятига эътибор бериб келинмоқда.

Апелляция инстанциясида 526 та, кассация инстанциясида 703 та ва назорат тартибидеда 268 та асосиз суд қарорлари прокурорлар протестлари билан қонунга мувофиқлаштирилган.

Республикада протест келтириш самарадорлиги апелляция инстанциясида 93,9 фоизни, кассация инстанциясида

95,5 фоизни, назорат инстанциясида 44,7 фоизни ташкил этган.

Бўлим ходимлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов хайъатида 105 та фуқаролик ишлари кўрилишида прокурор иштироки таъминланиб, асосланган фикрлар берилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди судлов хайъатида 28 та иш бўйича суд қарорларига Бош прокуратура томонидан протест келтирилган. Чироқчилик С.Авазовнинг мурожаати шулардан биридир. У туман ҳокимининг қарорини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида Чироқчи туманларо судига мурожаат қилганда, даъво қисман қаноатланган. Маълум бўлишича, мутахассисларнинг ер майдони туман ҳокимлиги захирасига қайтарилиши ва ушбу ҳудудда жойлашган давлат мулки бўлган бино-иншоотларнинг хусусийлаштирилиши ҳақидаги ҳулосасига

кўра, Чироқчи тумани Давлат ветеринария бўлими 100 фоиз давлат муассасаси ҳисобланса-да, унинг ер майдонидан фуқаро С.Авазовга 0,1782 га ер ажратилиб, ветеринария бўлимининг эгалигидаги бино ва иншоотлар ҳам бериб юборилган.

Муҳими эса, даъвогар С.Авазовга ажратилган ер майдонида ветеринария лабораториясига олиб келинган юқумли ва ўта юқумли касалликлар намуналари ташланган чуккур, "Беккер кудуги" бўлиб, бу кудук атрофида аҳоли фойдаланадиган бирон-бир иншоот қуриш мумкин эмаслигига умуман эътибор қилинмаган. Ўзбекистон Республикаси Бош Давлат санитария врачининг 2008 йил 22 январдаги "Ўзбекистон Республикаси аҳоли ҳудудларида атмосфера ҳавосини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги санитария меъёри қоидаларига ветеринария лабораторияси ҳудуди зарарли моддалар чиқардиган хавфлилиги бўйича 5-тоифа санитария ҳимоя зонаси ҳудудига киритилганлиги, бу турдаги ҳимоя зонасининг чегара ҳудуди 50 метр қилиб белгиланган бўлишига қарамадан, ҳимоя зонасидаги ер майдони туман ҳокимининг қарорларига асосан "Маиший хизмат кўрсатиш, ўқув маркази ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехи" қуриш учун ажратиб бериб юборилган.

Мазкур иш юзасидан Бош прокуратура томонидан Олий судга протест келтирилиб, протест қаноатланган. Проккурорлар томонидан етказилган моддий зарарларни

ундириниш ва бошқа масалалар юзасидан судларга киритилган 11 261 та 31 млрд. 39 млн. сўмлик даъво аризаларидан 8145 таси ёки 22 млрд. 386 млн. сўмлик қаноатланган ва 11 млрд. 405 млн. сўм ёки 50,9 фоиз зарарларнинг ҳақиқатда ундирилишига эришилган.

Фуқароларнинг ариза ва шикоятларини кўриб чиқиш ҳамда ҳал қилиш борасидаги тadbirkorлар "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонун, Бош прокурорнинг "Фуқаролар ва юридик шахсларнинг мурожаатлари кўриб чиқилишида қонунийликни таъминлаш тўғрисида"ги буйруғи талаблари асосида ташкил қилинган.

Бўлимда асосий эътибор фуқаролар мурожаатларининг қонунда белгиланган мuddатларда ҳал қилинишига қаратилган.

2012 йилнинг 6 ойида бўлимга фуқаролардан жами 2007 та ариза ва шикоятлар келиб тушган. Фуқароларнинг аризалари асосида жами 800 дан ортиқ фуқаролик ишлари назорат тартибидеда ўрганилиб, суд қарорларининг қонунийлигига баҳо берилган.

Келиб тушган аризаларнинг 107 таси ишга тиклаш, 985 таси уй-жой масалалари юзасидан, 67 таси моддий-маънавий зарарларни ундириниш билан боғлиқ аризаларни ташкил қилади.

Фуқаролардан келиб тушган аризаларнинг 1312 таси ҳал қилиш учун қуйи прокуратура органларига, 57 таси эса бошқа идоралар ва муассасаларга юборилган. Бош

Ботир НОРОВ,  
Бош прокуратура бўлими бошлиғи

прокуратуранинг 2012 йил 1-ярим йилига мўлжалланган иш режасига асосан воғда етмаганлар манфаатларини ҳимоялаш билан боғлиқ фуқаролик ишлари бўйича суд амалиёти ҳамда судларда бу тоифадаги ишларнинг кўрилишида прокурор иштирокининг самарадорлиги ўрганилди.

2012 йилнинг 6 ойида воғда етмаганлар манфаатларини ҳимоялаш билан боғлиқ ишлар юзасидан прокуратура органлари томонидан 42 та апелляция, 67 та кассация ва 6 та назорат тартибидеда жами 115 та ҳамда текшириш даврида 67 та, жами 279 та протестлар келтирилиб, асосиз суд қарорларини қонунга мувофиқлаштириш чоралари кўрилган.

6 ойида судларда фуқаролик ишлари кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бўлими ҳамда қуйи прокуратура ходимларининг касб маҳоратини ошириш бўйича белгиланган иш режаси асосида 12 та тadbirkor амалга оширилди. Бундан ташқари, қонунчилик тарғиботи фаолиятида бўлим ходимлари томонидан 74 та тadbirkor ўтказилиб, 16 марта оммавий ахборот воситаларида чиқишлар ташкил этилди.

Фаолиятимизда амалга ошириб келинаётган ишлардан ягона мақсад жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш ва шу асосда юрт фаровонлигини янада оширишга ҳисса қўшишдан иборат.

## Мустаҳкам оила — келажак пойдевори

Муҳтарам Президентимиз Ислам Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 19 йиллигига бағишланган тантанали йилгилашдаги маърузасида 2012 йилни "Мустаҳкам оила йили" деб эълон қилди. Жорий йилнинг бундай номланиши бежиз эмас. Зеро, халқимиз азал-азалдан оилани муқаддас даргоҳ, деб билади. Шу боис уни қадрлайди, алоҳида меҳр ва муҳаббат билан эъзозлайди. Фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида оиланинг роли муҳим ҳисобланади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14-боби оила ва оилавий муносабатларни ҳуқуқий ҳимоясига бағишланганлиги ҳам бежиз эмас. Бош Қонунимиз оила ҳуқуқининг миллий ҳуқуқ тизимида ўзига хос ўрни борлигини белгиллаб берган.

Юртбошимиз "Оила ҳаётининг абадийлигини, авлодларнинг давомийлигини таъминлайдиган, муқаддас урф-одатларимизни сақлайдиган, шу билан бирга, келажак насллар қандай инсон бўлиб етиштиришга таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғи эканини тан олишимиз зарур", деб таъкидлаганлар. Дарҳақиқат, ҳар қайси миллатнинг ўзига хос маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда, ҳеч шубҳасиз, оиланинг ўрни ва таъсири беқийс. Бугун инсон ва унинг манфаатлари устувор саналган мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар туб мазмун-моҳиятига кўра, аҳоли турмушининг фаровон бўлишига, ҳаётдан



мамнун бўлиб яшашига хизмат қилмоқда. Тинч-тотув, бугун кегагидан, эртаси эса бугундан яхши кечилишига қатъий ишонган юртда оилалар мустаҳкам бўлиши, шубҳасиз.

Бугун қилаётган ишларимиз фарзандларимизнинг бахт-у саодати, уларнинг ёруғ келажаги учун амалга оширилмоқда. Одобли, биллими, меҳнатсевар, иймон-этиқодли фарзанд нафқат ота-онанинг, балки бутун жамиятнинг энг катта бойлиги ҳисобланади. Ёшларимизни ҳар томонлама соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш, маънавий кўргони бўлиши оилани мустаҳкамлаш барчамизнинг бурчимиздир.

Шунингдек, оилавий муносабатлар халқро ҳуқуқий ҳужжатларда ва миллий қонунчиликда етарли даражада тартибга солинган бўлиб, хусусан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг 16-моддасида, оила жамиятнинг табиий ва асосий ҳужайраси са-

налиши ва жамият ҳамда давлат томонидан ҳимоя қилинишига ҳақли эканлиги белгиллаб қўйилган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 63-моддасига асосан эса, "Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат ҳимоясида бўлиш ҳуқуқи эга", деб кўрсатилган. Ота-она, бола-ҳамда оиланинг бошқа аъзолари ўртасида ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлар оила ҳуқуқи соҳаси ёрдамида тартибга солинади. Оила ҳуқуқининг субъектлари сифатида Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар ва чет эл фуқаролари эътироф этилади. Ота-оналар ва фарзандлар ўртасида юзага келувчи ҳуқуқий муносабатлар таркибидеда шахсий номулкӣ муносабатлар ахралаб туради. Конституцияимизнинг 64-моддасида "Ота-оналар ўз фарзандларини воғда етгунлигига қадар боқиб ва тарбиялашга мажбурдирлар", деб ёзиб қўйилган.

Бундан ташқари, мамлакатимизда оилаларнинг иқтисодий-ижтимоий фаровонлигини ошириш, оилада тарбияланаётган ёшларда тadbirkorликка қизиқиш ва иштиёқ, ёш оилаларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда қўллаб-қувватлашни кучайтириш борасида олиб борилаётган ишларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш

Улугбек ҲАМИДОВ,  
СВОЖДЛҚК Департаментининг ўққудуқ  
туман бўлими бошлиғи

мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 27 февраль куни "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури тўғрисида"ги Қарори қабул қилинди.

Қарорда "Оила соғлом экан — жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан — мамлакат барқарор", деган инсонпарвар тамойилдан келиб чиққан ҳолда, дастури амалга оширишнинг энг муҳим йўналишлари белгиллаб берилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 23-24 март кунлари бўлиб ўтган 8-ялӣ мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2012 йил 12 ноябрда Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузасида баён этилган "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада қучурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"га мувофиқ, "Оилавий тadbirkorлик тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди.

Ушбу Қонуннинг "Мустаҳкам оила йили"да қабул қилинганлиги алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, унинг қоидалари кичик бизнес ва хусусий тadbirkorликнинг гоят муҳим шакли сифатида оилавий тadbirkorликни ривожлантириш учун норматив-ҳуқуқий база яратиш, оилавий корхоналар учун ҳуқуқий кафолатларни кучайтириш ҳамда мамлакатда янги иш ўринлари очиб учун зарур ҳуқуқий шароитларни таъминлайди.

# Келажагимизга бефарқ қарашга ҳаққимиз йўқ



Ёшлар келажагимиз, эртанги кунимиз эгалари. Шу бонс, уларнинг таълим олиши, спорт билан шугулланиши учун ҳар томонлама шарт-шароитлар яратиб бериш, қўллаб-қувватлаш энг муҳим вазифаларимиздан саналади. Ҳар бир давлат ёки халқнинг келажаги қандай бўлиши ёш авлодга яратиб берилган шароитлар билан ўлчанади. Бу соҳа бизнинг мамлакатимизда ҳавас қилса арзийдиган даражада ижобий ҳал этилган. Мукаммал шарт-шароитларга эга, замонавий техника воситалари билан жиҳозланган мактаблар, лицей ва коллежлар ўқувчилар ихтиёрида. Барча қўлайликлар мужассам спорт заллари ҳам спортсевар ёшларнинг сеvimли масканига айланган.

**Ж**омбой туманида ҳам бу борада қўллаб-қувватлаш ишлар амалга оширилмоқда. Туман прокуратураси томонидан вояга етмаганларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашга қаратилган қонунлар ижроси юзасидан қатъий назорат ўрнатилган.

Бугунги кунда туман аҳолиси 142 минг нафарни, шундан вояга етмаганлар 65,7 минг нафарни ташкил этади. Тумандаги 56 та мак-

табда 22 минг 766 нафар ўқувчи таҳсил олади. 25 та мактабгача таълим муассасаларида 2409 нафар бола тарбияланмоқда. 7 та касб-ҳунар коллежларида 7481 нафар ўқувчи таълим олади.

2011-2012 ўқув йилида умумтаълим мактабларининг 9-синфларини 2960 нафар ўқувчи битирди. Битирувчиларни таълимнинг кейинги bosқичига тўлиқ қамраб олинишини таъминлаш мақсадида зарур чора-тадбирлар иш-

лаб чиқилди ва амалиётга татбиқ этилди. Жумладан, тумандаги ҳамда вилоят марказидаги касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларида "Очиқ эшиклар куни" тадбирлари ўтказилиб, ўқувчиларни мазкур ўқув муассасалари ҳамда мавжуд йўналишлар билан таништириш мақсадида саёҳатлар ташкил этилди.

Шунингдек, тумандаги касб-ҳунар коллежларининг 2553 нафар битирувчиларини иш билан таъминлаш мақсадида 647 та ташкилот, муассаса ва корхоналар билан уч томонлама шартномалар тузилди. Иш берувчи ташкилотлар томонидан сертификатлар имзоланди. Жорий йилнинг 15-20 февраль кунлари туман прокуратураси ходимлари иштирокида барча касб-ҳунар коллежларида битирувчилар, уларнинг ота-оналари ҳамда иш берувчи ташкилотлар раҳбарлари ўртасида учрашувлар ўтказилди. Бу учрашувлар давомида иш берувчи ташкилотлар раҳбарларига касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг меҳнат қилиши учун барча шарт-шароитларни яратиб бериш вазифаси топширилди.

Шунингдек, туман прокуратураси ва туман ҳокимлигининг ташаббуси билан жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 2 мартаба "Бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркаси"

ўтказилди. Ярмарка натижалари бўйича 113 нафар ўртамахсус касб-ҳунар коллежи битирувчиларига йўлланмалар берилиб, ишга жойлаштирилди.

Туманда "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури ижроси юзасидан ҳам қўллаб-қувватлаш ишлар амалга ошириб келинмоқда. Жумладан, туман прокуратураси ташаббуси билан Жомбой туман ҳокимлиги хотин-қизлар кўмитаси, туман ФХДБ бўлими ҳамда "Камолот" ЕИХ туман кенгаши ҳамкорлигида "Мустаҳкам оила — жамият таянчи" мавзусида мактабларнинг битирувчи 1477 нафар қизлари ва уларнинг оналари ҳамда коллеж битирувчилари иштирокида ўқув-семинарлар ўтказилди.

Туман ҳокимлиги, туман ФХДБ бўлими, туман ИИБ, ФИБ Жомбой туманлараро суди, туман бош имом-хатиби, туман солиққчи сақлаш маркази, психолог, намунали оилалардан онахонлар ва бошқа бир қанча малакали мутахассислар жалб этилган бундай семинарларда эрта никоҳнинг ва оилавий ажримларнинг олдини олиш, қариндош-уруғ ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари, умумтаълим мактаблари битирувчиларини таълимнинг кейинги bosқичига жалб

**Ботир ЮСУПОВ,**  
Жомбой туман прокурори

қилиш ҳамда касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш масалаларига эътибор қаратилди.

Бундан ташқари, туман прокуратураси ва туман ҳокимлиги хотин-қизлар кўмитаси томонидан касб-ҳунар коллежларининг 1-босқичида таҳсил олаётган ўқувчи қизларни эрта турмушга бериш ҳолатларини олдиндан аниқлаш ва ўтказилган тўй маросимларининг олдини олиш бўйича тегишли чора-тадбирлар иш-лаб чиқилди. Олиб борилган ишлар давомида жорий йилнинг бугунги кунига қадар 3 нафар вояга етмаган қизни эрта турмушга бериш ҳолатлари аниқланиб, тўй маросимлари бир йил муддатга узайтирилди.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида туман прокуратураси томонидан вояга етмаганлар ҳақидаги қонунчилик ижроси юзасидан 3 та таҳлил ва текширишлар ўтказилди. Аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш ҳақида 3 та тақдирнома киритилди. Қўпол қонунбузилиш ҳолати юзасидан 1 та жиноят иши қўзғатилди.

## Қонунбузарликларга чек қўйилди

Мамлакатимизда аграр сектор жadal суръатларда ривожланиб бормоқда. Бу соҳагаги туб ислохотлар самараси ўларoқ, ғаллачилик тармоғи ҳам ривожланиб, экинлар ҳосилдорлиги йил сайин ортиб бормоқда. Ҳукуматимиз томонидан фермер хўжаликларига кўрсатилаётган эътибор, солиқ соҳасида берилаётган имтиёзлар, хусусан, Бухоро вилояти шароитида сув танқислиги муаммоларининг ҳал этилиши бир қатор туманларда 2012 йил давлатга бошоқдан дон etkaziб бериш шартнома режаларининг ортиги билан бажарилишига замин яратди.

**Ў**збекистон Республикаси Президентининг "2012 йил ҳосили учун кузги бошоқли дон экинларини экиш, навларни жойлаштириш ва харид қилишнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда 2012 йил 2 май кунидagi "2012 йил бошоқли дон экинлари ҳосилини йиғиштириб олиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорлари ижросини таъминлаш юзасидан туман прокуратураси томонидан доимий равишда мониторинг текширишлари ўтказиб келинаёпти.

Аниқланишича, қарорлар ижросини таъминлаш мақсадида туманда 182 та фермер хўжаликлари билан ғалла етиштириш бўйича контрактация шартномалари тузилган, жами 5 минг 176 гектар ер майдонида бугдой экилган. Агротехника қондаларига амал қилинган хўжаликларда мўл ҳосил етиштирилди.

"Техника — дехқоннинг қаноти" дейишади. Бугунги кунда турли русумдаги замонавий қишлоқ хўжалик техникаси воситалари ғаллакор ва пахтакорларимизнинг оғирини енгил қилмоқда. Давлатимиз томонидан фермер хўжаликларига ҳар йили зарур миқдорда техника воситалари etkaziб бериш чоралари кўриляпти. Ўрим-йиғим мавсумида белгиланган тадбирлар ўз вақтида ва сифатли ўтказилишини таъминлаш учун туман ҳокимлиги томонидан ғаллани ўриб-йиғиб олиш отрядлари тузилган бўлиб, мазкур отрядлар-

нинг барчасига ўрим комбайнлари бириктирилди.

2011 йилнинг мазкур мавсумида ғалла ўрим-йиғим режаси бажарилмади қолиш сабаблари атрофлича ўрганилиб, камчиликларни бартараф этиш чоралари кўрилганини таъкидлаш жоиз. Прокурорлик назорати тадбирлари натижаси соҳада бир қатор қонунбузилишларига ҳам йўл қўйилганлигини кўрсатди. Ўтказилган текширишлар давомида тумандаги техника воситаларининг сақланишида бир қатор қонунбузилишлар аниқланди. Жумладан, Когон туманидаги "Амир Темур Ботир" ММТПнинг балансида жами 77 дона, 24 млн. 046 минг 905 сўмлик ҳар хил русумли қишлоқ хўжалиги техникаси воситалари мавжуд бўлган. Лекин текширишда 17 турдаги 46 дона ҳар хил русумли, баланс қиймати 10 млн. 824 минг 059 сўмлик трактор ва қишлоқ хўжалик техникаларидан фойдаланиш, улар ёрдамида бажарилган ишлар юзасидан ойма-ой олинган ҳужжатлар, шартномалар ва бухгалтерия ҳисоботлари қасддан йўқ қилинганлиги маълум бўлди. Ушбу ҳолат юзасидан "Амир Темур Ботир" ММТПнинг мансабдор шахсларига нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, дастлабки тергов ҳаракатлари ўтказилмоқда.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 2 майдаги "2012 йил бошоқли дон экинлари ҳосилини йиғиштириб олиш бўйича ташкилий чора-тадбир-

лар тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида 15 та отряд тузилиб, уларга ғалланинг нест-нобудсиз, талон-тороҳ қилинмасдан давлат омборларига топширилишини таъминлаш юзасидан йўриқлар берилган эди. Лекин, шунга қарамайдан, туман прокуратураси томонидан ушбу отрядларга бириктирилган айрим масъул ходимлар ўз вазифаларини лозим даражада бажармаганлиги оқибатида бир қатор қонунбузилишлар содир этилгани аниқланди. Жумладан, туманнинг "Ниёз-Ҳожи" қишлоқ фуқаролар йиғини худудидаги "Қўйлибобо" фермер хўжалиги ер майдонларида бошоқли дон ўрими давомида фермер хўжалиги раҳбари Р.Сувонов ва "Кого-нолтинтола" ОАЖ ўртасида давлатга дон сотиш бўйича тузилган контрактация шартномаси ҳали тўлиқ бажарилмасдан туриб, ҳосил талон-тороҳ қилинишига йўл қўйилган. Р.Сувоновнинг ўз манфаатини ўйлаб, ҳовлиси-га 11 тонна бошоқли донни тушириб олганини қандай баҳолаш мумкин?

Бу ишда хизмат вазифасига бепарволик билан қараган масъул ходимларга нисбатан интизомий жавобгарлик тўғрисидаги иш қўзғатилиб, 11 тонна ғалла давлат омборига қайтарилди. Худди шу каби ҳолат туманнинг "Когон" қишлоқ фуқаролар йиғини худудидаги "Ғафуров Бахшлло" фермер хўжалигида ҳам қайд этилди. Фермер хўжалиги раҳбари Б.Ғафуров 12 тонна ғаллани уйига олиб келиб тўққанда бу ишнинг охири яхшилик билан тугамаслигини ўйламаган экан.

Мазкур қонунбузилишига йўл қўйган шахслар интизомий жавобгарликка тортилиб, 12 тонна ғалланинг давлат омборига қайтарилиши таъминланди. Бу каби қонунбузилишларга йўл қўйган "Қўйлибобо" ва "Ғафуров Бахшлло" фермер хўжа-

**Мэлс РАҲМОНОВ,**  
Когон туман прокурорининг  
катта ёрдамчиси

ликлари қишлоқ фуқаролари йиғинидаги бошқа фермер хўжаликлари раҳбарлари иштирокидаги йиғилишда муҳокама қилинди. Келгусида бу каби қонунбузилишларга йўл қўйилган тақдирда улар ўртасида тузилган ер ижара шартномалари бекор қилиниши ҳамда фермер хўжаликларининг раҳбарларига нисбатан кескин қонуний чоралар кўрилиши хусусида тушунтириш ишлари олиб борилди.

Фермер хўжаликлари давлатга ғалла топшираётган бир вақтда дон ташигиша масъул қилиб қўйилган ходимларнинг бепарволигидан фойдаланиб, баъзи юк автомашинаси ҳайдовчилари томонидан эл ризкиннинг яширин равишда талон-тороҳ қилинганлиги афсусланарли ҳол. Масалан, ҳайдовчи Бахтиёр Қосимов бошқарувдаги автомашина юкхонасида 110 килограмм ғалла сиғидиган яширин қўти ясаб олган экан. Унинг сирини тез орада фох бўлди. Б.Қосимовнинг ҳаракатларида Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 61-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик аломатлари борлиги сабабли унга нисбатан тўпланган ҳужжатлар қонуний ҳал қилиш учун ЖИБ туман судига юборилди.

Бу йил туман ғаллакорлари шартнома мажбуриятларини ортиги билан уддалаганликлари қувонарли ҳол, албатта. Эришилган натижага қишлоқ хўжалигида қонунийликни мустаҳкамлаш, хўжалик юритувчи субъектлар, фермер ва дехқон хўжаликларининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида олиб борилган тадбирлар муайян даражада ижобий таъсир кўрсатди.

Қонун устуворлигига эришилмасдан туриб, барқарор таъминлаб бўлмади. Шунинг учун ҳам қонун устуворлигини таъминлаш асосий вазифамиз. Зеро, мамлакатимиз ҳуқуқий демократик жамият қуриши йўлидан дадил бораётган экан, бу жараёнда прокуратура органлари зиммасига алоҳида масъулият юкланган.

# Долзарблигича қолаверади

қилинди. Аниқланишича, бундай қарздорликнинг юзга келишига қонун ва қарорлар ижроси амалда тўлиқ бажарилмаганлиги, яъни истеъмолчилар ва буюртмачиларга маҳсулот етказиб бериш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатишда қийматнинг камида 15 фоизини олдиндан тўловларсиз, маҳсулот жўнатилиши, ишларнинг бажарилиши ва хизматлар кўрсатилиши ўз таъсири билан кўрсатган. Муддати ўтган дебитор қарздорликнинг асосий қисми "Иссиқлик манбаи" ва "Хоразм электр тармоқлари" ОАЖ ҳиссасига тўғри келди.

Мазкур қонунчилик ижроси юзасидан ўтказилган назорат тадбирлари натижаларига кўра мансабдор шахслардан бир нафари маъмурий жавобгарликка тортилиб, фуқаролар манфаатларини ҳимоя қилиб судларга 109,1 миллион сўмлик 1 та прокурор ариза-си қиритилган ва 1 та ҳолатда жиноят иши қўзғатилган.

Жиноятчиликка қарши курашиш, жиноятларнинг олдини олиш ҳар доим прокуратура идоралари зиммасидаги долзарб вазифалардан саналган. Урганч шаҳар прокуратураси томонидан ҳам ушбу масалага масъулият билан ёндашилиб, бу юзасдан зарур чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалга оширилиб келинмоқда. Ушбу йўналишда амалга оширилган

ишлар аҳоли мунтазам ўрганилиб, натижалари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг мувофиқлаштирувчи кенгаши йиғилишларида муҳокама қилиниб, зарур чора-тадбирлар белгиланмоқда.

Бу жараёнда муқаддам судланганлар ва ишламасдан юрганлар томонидан жиноят содир этилишининг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ва қатор жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда режалар ишлаб чиқилиб, ўқимасдан ва ишламасдан юрган шахсларни аниқлаш, уларни иш билан таъминлаш чоралари қўрилмоқда. Профилактика инспекторлари томонидан жиноятга мойил шахслар аниқлиб, улар билан мунтазам профилактик-огоҳлаштирув тадбирлари ўтказилиб боришмоқда.

Бу каби чора-тадбирлар натижасида 2012 йилнинг 6 ойида умумий жиноятлар сони 413 тани ташкил қилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 7,2 фоизга, шундан ўта оғир жиноятлар 11,4 фоизга (70-79), оғир турдаги жиноятлар 1,8 фоизга (54-55), унча оғир бўлмаган жиноятлар 34,5 фоизга (95-145) камайган.

Бугун барчадан бирдай огоҳлик талаб қиладиган жиноят турларидан бири бу одам савдосидир. Инсон шаъни, қадриятлари, оёсийишга турмуши ва

кељагага таҳдид солаётган ушбу трансмиллий уюшган жиноятчилик ўзининг чегара танламаслиги ҳамда гирдобига асосан ёшларни ва аёлларни тортаётганлиги билан катта таъсир ва хавотир уйғотмоқда. Йилнинг ўтган даврида Урганч шаҳрида 3 та ана шундай турдаги жиноятнинг содир қилиниши ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари вакилларидан сергаклик ва ҳушёрликни янада оширишни, тарғибот-ташвиқот ишларини янада қучайтиришни талаб этади.

Умуман, жиноятчилик аҳолини таҳлил қилар эканмиз, айрим жамоат бирлашмалари, хусусан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раҳбарларининг масъулиятсизлиги ва совуққонлиги талончилик, номусга тегиш каби жиноятлар сони ортишига олиб келганини кўраемиз. Ваҳоланки, "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузуридаги яраштириш комиссиялари тўғрисида"ги Низомга асосан яраштириш комиссияларига спиртли ичимликларга ашаддий руҳ қўйган ва гиёҳвандлик касаллигига мубтало бўлган шахсларни аниқлаб, уларни белгиланган тартибда мажбурий даволатиш чораларини қўриш, ички ишлар ҳисобида турган, айниқса, илгари судланган, оилада ва турмушда мунтазам равишда ҳуқуқбузар-

**Мақсудбек ОЛЛАБЕРГАНОВ,**  
Урганч шаҳар прокурори  
**Ойбек ЖУМАНИЕЗОВ,**  
«Huquq»

ликларга йўл қўювчи шахслар билан профилактик чора-тадбирларни олиб боришда иштирок этиш, уларнинг ҳулқ-атвори ва турмуш тарзини ўз мажлисларида муҳокама қилиш вазифалари юклатилган. Бироқ маҳалла фуқаролар йиғини раислари томонидан яраштирув комиссияларининг фаолияти тўғри ташкиллаштирилмаган, комиссия йиғилишларида фақатгина ҳудудда содир бўлган оилавий жанжалларни муҳокама қилиш билан чекланиб келинган.

Бу каби таҳлиллар натижасида жиноятчиликнинг олдини олиш, қонун устуворлигини таъминлаш, фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш, аҳоли бандлигига кўмаклашиш ва бошқа масалалар юзасидан 2012 йилнинг иккинчи ярмига мўлжалланган устувор вазифалар белгиланди. Айни пайтда ушбу вазифалар ижросини таъминлаш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Мақсадимиз, барча жаҳалларда қонун устуворлигини таъминлаш орқали мамлакатимизнинг янада гуллаб яшнашига, фуқароларнинг тинч ва фаровон турмуши кечеришларига кўмаклашишдир.

## Ҳар биримизнинг вазифамиз

Жаҳон цивилизацияси илгарилab боргани сайин инсоният оламида турли муаммолар қўндалан бўлмоқда. Янги асрга келиб гиёҳвандлик, уюшган жиноятчилик каби одам савдоси ҳам дунё давлатларини бир-дай ташвишга солаётган трансмиллий жиноят турларидан бирига айланди. Бугунги кунда мамлакатимизда ҳам бундай қабих жиноятга қарши курашишнинг ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилган бўлиб, унинг олдини олишга қаратилган барча чора-тадбирлар ишга солинмоқда. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 17 апрелдаги "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 8 июлдаги "Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори шулар жумласидандир. Бу йўналишда Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Изоралараро комиссияси томонидан 2011 йил 5 мартда тасдиқланган "Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш борасида 2011-2012 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар режаси" ижроси юзасидан Сирдарё вилоятида ҳам муайян ишлар амалга ошириб келинмоқда.


Ўтган даврда одам савдосига қарши курашиш бўйича тадбирлар режасининг тўлиқ ижро қилиниши, аҳолининг бандлигини таъминлаш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг одамларни ёллаш билан шуғулланувчи шахсларни аниқлаш борасидаги фаолияти самарадорлигини ошириш диққат марказимизда бўлди. Шунингдек, ушбу ҳолатлар билан боғлиқ мурожаатларнинг қонуний ҳал қилиниши, бу тоифа жиноят ишлари бўйича дастлабки терговчи ҳар томонлама, тўлиқ ва сифатли олиб бориб, жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Фуқароларнинг одам савдоси билан боғлиқ ариза ва хабарларини белгиланган тартибда рўйхатга олиш ва улар юзасидан Жиноят-процессуал кодекси талаблари асосида тегишли қарорлар қабул қилиниши, қўзғатилган жиноят ишлари устидан прокурорлик назоратининг доимийлиги таъминлаб келинмоқда.

Амалга оширилган ишлар натижасида жорий йилнинг биринчи ярмида одам савдоси билан боғлиқ 8 та жиноят иши қўзғатилди. 7 та жиноят иши судга юборилиб, 1 таси ЖПКнинг 364-моддаси 1-қисми 2-банди билан

тўхтатилган. Жиноят содир этганларнинг 4 нафарини аёллар, 7 нафарини эркаклар ташкил қилади. Улар томонидан содир этилган жиноятлар натижасида 32 нафар шахс жабрланган бўлиб, уларнинг 2 нафари аёллардир. Судга юборилган 7 та жиноят ишини қўриб чиқиш натижалари бўйича 4 нафар шахс озодликдан маҳрум этиш жазосига ҳукм қилинган бўлса, 3 нафарига амнистия акти қўлланган.

Жумладан, "Ихтиёр" исмли Қозоғистон Республикаси фуқароси 5 нафар юртдошини Қозоғистон Республикасига олиб бориб, оғир ишларда мажбурий ишлатган Сирдарё туманида яшовчи С.Эшовга (исм-фамилиялар ўзгартирилган) нисбатан қўзғатилган жиноят иши жиноят ишлари бўйича Сирдарё туман суди томонидан қўриб чиқилди. Суднинг ҳукми билан у 5 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Боёвут туманида яшовчи Ю.Шоҳидовага зўрлик ишлатиб, уни гайриқонуний равишда озодликдан маҳрум этган, фуқаролик паспортини олиб қўлиб, уриб-дўппослаб, мунтазам равишда фоҳишалар билан шуғулланишга мажбурлаб келган Янгиер шаҳрида яшовчи А.Тўраевага нисбатан ЖКнинг 138-



моддаси 1-қисми, 131-моддаси 2-қисми "б" банди ва 135-моддаси 2-қисми "а, и" бандлари билан қўзғатилган жиноят иши жиноят ишлари бўйича Янгиер шаҳар судида қўрилиб, суднинг ҳукми билан унга 6 йил озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланди.

Ўтган даврда 16 нафар шахс хорижий мамлакатлардан депортация қилинган бўлиб, одам савдоси билан бўлмаганлиги ёки одам савдоси билан шуғулланган шугулланмаганлиги ички ишлар бўлимлари томонидан текширилмоқда. Тиббиёт муассасалари томонидан чет элда бўлиб қайтган, одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар натижасида жабрланган шахсларни қўриқдан ўтказиш, соғломлаштириш ишлари олиб боришмоқда.

Жорий йилда чет элда бўлиб қайтган 1145 нафар шахс тиббий қўриқдан ўтказилганда 143 нафарига турли касалликлар аниқланиб, уларнинг 137 нафари амбулатория шароитида, 6 нафари шифохонада даволанган.

Амалга оширилган тушунириш ишлари натижасида 2008-2012 йилларда тергов қилинган жиноят ишлари бўйича жабрланувчи, деб эътироф этилган шахсларнинг 86 нафари 2012 йил 1-ярмида Одам савдоси жабрдидаларига ёрдам бериш ва уларни ҳимоя қилиш Республика реабилитация марказига даволаниш учун юборилиши таъминланди.

Вилоятда меҳнат органлари инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида ҳар бир йирик кишлоқ фуқаролар йиғинида бандликка кўмаклашувчи марказлар қошида "Аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш пунктлари" ташкил этилди.

**Собир НОРБЎТАЕВ,**  
Сирдарё вилоят прокуратураси  
бўлим катта прокурори

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 24 майдаги "Ишга жойлаштиришга муҳтож меҳнат билан банд бўлмаган аҳолини ҳисобга олиш методикасини такомиллаштириш тўғрисида"ги Қарори асосида вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси ва унинг қуйи тизимлари томонидан ҳар чоракда мониторинг ва ўрганишлар ўтказиб келинмоқда.

2012 йилда ўтказилган мониторинг натижаларига кўра, 8241 нафар фуқаро бандликка кўмаклашиш марказларида мурожаат қилган бўлиб, шундан 7126 нафари иш билан таъминланган. 477 нафари қайта касбга тайёрлашга юборилиб, 851 нафари ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилинган, 124 нафари эса ишсизлик нафақасини олган. Худудий дастурларга мувофиқ, 20675 та янги иш ўринлари яратилган бўлиб, уларнинг асосий қисми (82,4 фоизи) кишлоқ туманларига тўғри келади. Шунингдек, корхоналар билан тузилган меҳнат шартномалари асосида 1018 та касаначилик иш жойлари ташкил этилган.

Аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида вилоят бўйича 24 та меҳнат ярмаркалари ўтказилиб, унда 457 та ташкилот 2820 та иш ўринлари билан қатнашган, иш сўрагачларнинг 936 нафари йўланма билан ишга жойлашган, 995 нафарига маслаҳатлар берилган.

Одам савдоси ва унинг салбий оқибатларини кенг оммага етказиш борасидаги тарғибот ишларига алоҳида эътибор қаратилиб, жорий йилда вилоят прокуратураси органлари томонидан мазкур йўналишда 202 та ҳуқуқ-тарғибот тадбирлари ўтказилди.

Хозирги кунда вилоят прокуратураси органлари томонидан худудий идоралараро комиссиялар ишининг сифати ва самарадорлигини ошириш юзасидан тегишли чоралар қўрилмоқда.

# Хуфийёна савдо



Улугбек ЭЛМУРОДОВ,  
Қарши шаҳар прокурори  
ўринбосари

Ҳамшира "тушунтириш хати"да гўё ҳамма нарсани очик-ойдин айтгандай эди. Махсус лицензиясиз сотиш тақиқланган "Кетамин" ампулаларини қаердан ва қандай йўл билан олгани ва уларни кимга сотгани тўғрисида гарчи ҳамма нарса баён этилгандай кўринса-да, аслида қозғоғза тушмай қолган гаплар ҳам кўп эканлиги англашиб турарди.

Онкология диспансерининг собик ҳамшираси Дилбар Номозова Қарши шаҳридаги "Файзли маскан" кўп тармоқли хусусий қорхонасига қарашли дорихонага кириб келаркан, савдоси омадли бўлишига ишонди. Чунки у бир пайтлар дорихона мудирини Эрнатар Кенжаев билан бирга ишлаган, шу боис уни яхши танирди.

Аёл дорихона мудирига 100 дона "Кетамин" ампуласи борлигини, пул зарур бўлиб қолгани сабабли уларни сотиш учун олиб келганини билдириди. Савдо хуфийёна тарзда амалга оширилди. Дорихоначи 100 дона "Кетамин" ампуласининг ҳар донасига 3 минг сўмдан, жами 300 минг сўм бериб, сотиб олди. Уларнинг ҳақжонлаши бежиз эмасди, албатта. Ҳар иккаласи ҳам тиббиёт ходимлари бўлганликлари сабабли "Кетамин" дориси психотроп модда бўлиб, уни махсус рухсатномасиз сотиш тақиқланганини яхши биларди.

Уша дамда дорихона хилват бўлгани учун бу савдони ҳеч ким пайқамасди. Жиноят содир этилди. Эрнатар Кенжаев дориларни бекорга сотиб олганми. Ундан фойда қўришни ўйлаган эди. Шу боис, ўзи харид қилган "мол"дан унинг бахри дили очилди. Албатта, бундай даромадли савдо бўлганда ҳар иккала томон ўртасида қуйидагича савол-жавоб бўлиб ўтиши мумкин эди, эҳтимол:

— "Кетамин" психотроп модда. Уни қаердан олгансиз?

— Онкологияда ишлаган пайтим кўлга киритган эдим.

— Ҳа, у ерда оғир беморлар учун бу дори жуда зарур. Лекин сиз?..

— Уша ерда ишлаб юрганимда рақ билан оғирган кўплаб беморлар билан иш юзасидан мулоқотда бўлганман. Уша касаллардан бири (2009 йил январь ойларида) қишлоқдошим ҳам уша ерда даволанар ва оғиркини қолдирувчи "Кетамин" дорисидан ҳабул қиларди. Оғирлашиб қолганидан кейин мана шу 100 дона ампулани менга бериб кетди. Ўзи бир ойдан кейин вафот этди.

Қандай мунгли воқеа. Оғир дард туфайли ҳаётдан кўз юмган бир инсон-

нинг "мероси"дан баҳраманд бўлаётган бу кишиларнинг бири дориларни пуллаганидан, иккинчиси унинг нархини ошириб сотишдан оладиган фойдасини ўйлаб мамнун бўлмоқда эдилар. Аммо уларнинг шодлиги узоққа чўзилмади. Бу хуфийёна савдо учун суд олдида жавоб беришларига тўғри келди.

2011 йил 9 сентябрь кунини соат 12:00 ларда вилоят божхона ходимлари Дилбар Номозовани йўқлаб, унинг уйига боришди ва ўзларини таништиришиб, бир ҳолат бўйича вилоят божхона бошқармасига бориши ва тушунтириш хати ёзиб бериши зарурлигини билдиришди. Чунки уша кунини дорихона мудирини Эрнатар Кенжаев хуфийёна савдо устида қўлга тушган бўлиб, қалаваннинг бир учи собик ҳамшира Д.Номозовага бориб тақаларди.

Эрнатар Кенжаев ўзига қарашли дорихонада ишлаб турганида нотаниш бир аёл кириб келиб "Кетамин" дорисидан кераклигини айтди. Дорихоначи гўёки аёлга "раҳми келиб", 10 дона ампулани бошқа турдаги бир дори қутчасига жойлаб, унинг ҳар донаси учун 4 минг сўмдан пул олиб, қутчани харидорнинг қўлига тутқазди. Аёл чиқиб кетгандан кейин кўп ўтмай дорихонага вилоят ИИБ жиноят-қидирув ҳамда вилоят божхона бошқармаси ходимлари кириб келишди. Шу жойда номаълум харидор ва гувоҳлар иштирокида 10 дона "Кетамин" психотроп ампуласи хужжатлаштириб олинди.

Шунингдек, Э.Кенжаев ушбу тadbирда ўзининг айбиға иқроллик билдириб, дорихонада қонунга хилоф равишда сакланаётган 51 дона 2 миллиграммли "Кетамин" ампуласини тadbир иштирокчиларига топширди.

Судланувчи Д.Номозова жиноий шериги Э.Кенжаев билан бир гуруҳга биравлашиб, ўзаро тил бириктириб ноқонуний ишга қўл ураркан эдилар. Бу жиноят қонун ҳимоячилари томонидан аниқланди ва уларнинг хуфийёна савдосига чек қўйилди. Аммо, тadbир ўтказилгунга қадар дорихонадаги психотроп қувага эга бўлган ампулаларнинг бир қисmini тергов давомида аниқлаш имкони бўлмаган кишиларга сотишга улгурган эди.

Судланувчи Э.Кенжаев суддаги кўрсатувида юқоридаги ҳолатларни, хусусан, дориларни таниши — бир пайтлар ўзининг дорихонасига сотувчи бўлиб ишлаган — Д.Номозовадан сотиб олганлигини, аммо ўзи гиёвандлик моддаси истеъмол қилмаслигини, "Кетамин" операцияларда оғиркини қолдирувчи восита сифатида ишлатилишини, лекин ўзининг дорихонасида бу турдаги дори воситаларини сотишга рухсатномаси йўқлигини тан олди.

Жиноят ишлари бўйича Қарши шаҳар суди судланувчининг айб қаволификациясини муҳокама қилиб, тергов органи томонидан Э.Кенжаев ва Д.Номозованинг жиноий ҳаракати Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 273-моддасининг 5-қисми билан тўғри қаволификация қилинган деган ҳулосага келди. 2012 йил 6 февраль кунини уларнинг иши судда қўрилди.

Суд ҳар иккала судланувчиға нисбатан жазо тайинлашда уларнинг ўз айбиға иқроллигини ва қилган ноқонуний хатти-ҳаракатидан пушаймонлигини, оилавий аҳволини, яшаш жойидан ижобий тавсиянома берилгани ва бошқа жиҳатларни ҳисобга олиб, қонун доирасида жазо тайинлади.

Ортимизда амалга оширилаётган ислохотлар, хусусан, тиббиёт соҳасининг чўқур ислох қилинаётганлигидан кўзда тутилган мақсад инсон саломатлигини асрашдир. Тиббиёт муассасалари, жумладан, дорихоналар ҳам ана шу мақсад йўлида хизмат қилади. Ер юзидан инсон бор экан, шифога муҳтожлик, шифохоналарга, дори-дармонларга ва дорихоналарга эҳтиёж йўқолмайди. Шифохорлар томонидан ёзиб берилган "рецепт" билан дорихонага қадам қўйган бемор ўзининг соғлиғи учун зарур бўлган дори-дармонни тезроқ сотиб олишга ошиқади. Бундай пайтда кишининг қўлига пул ҳам, бойлик ҳам кўринмайди. Фурсатдан фойдаланиб, айтиш керакки, дорихоналарнинг баъзи бир олғир ходимлари дори-дармонлар нархини ошириб сотишдан сира хижолат чекмайдилар.

Юқорида баён этилган воқеалардан ҳам кўриниб турибдики, айрим дорихона ходимлари дори-дармонлар устига нафақат қатта нарх қўядилар, балки қонун йўли билан махсус рухсатномасиз сотиш тақиқланган дориларни ҳам қимларнингдир қўлидан сотиб олиб, яширинча сотиш билан шуғулланадилар.

Гап инсон саломатлиғи, унинг ҳаёти устида бораркан, бундай қинғирликларга йўл қўйиш асло мумкин эмас. Ҳар бир шифохор, хусусан, ҳар бир дорихона ходими, биринчи навбатда, инсон саломатлигини ўйлаши ва шу йўлда ҳалол хизмат қилмоғи керак.

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг, жиноятчиликка, жумладан, терроризм ва гиёвандликка қарши курашиш ҳамда бундай иллатларга барҳам бериш билан аҳоли тинчлигини, соғлом турмуш тарзини таъминлаш мақсадида мустаҳкам қонунчилик базаси яратилди. Мунтазам равишда ўтказилиб келинган "Қора дори" талбирлари натижасида далааларда, хонадонларда гиёванди молдан ўсимликларни яширинча етиштиришга чек қўйилди. Шундай бўлса-да, айрим қимсалар томонидан мўмай пул ишлаб олиш мақсадида турли гиёвандлик воситаларини хориждан божхона ва чегара назорати ўрнатилмаган айланма йўллар орқали республикамизга ўтказиш, аҳоли орасида пинҳона сотиш билан шуғулланиш ҳолатлари учрамоқда.



## Яна бир наркотрафикка чек қўйилди

Жаҳонгир ПҲЛАТОВ,  
Фарғона вилоят прокурори ёрдамчиси  
Исроил БҲРОХИМОВ,  
«Huquq»

Яқинда хориждан мамлакатимизга кўп миқдорда гиёвандлик воситаларини олиб ўтиб, сотиш билан шуғулланган жиноий гуруҳ аъзоларига нисбатан кўзғатилган жиноят иши судда қўриб чиқилди.

2012 йилнинг 30 апрели. Соат 19:00 атрофида Данғара туманининг Чағали қишлоғида жойлашган ИПХ масканида ўтказилган тезкор тadbир чоғида Нейматжон Бойназаров бошқарувидagi "Нексия" русумли автомашини тўхтатилиб, ҳолилар иштирокида кўздан кечирилганда, Фарғонага келаятган йўловчи Гули Халилованинг қиймлари ичидан қорнига боғлаб олган, кўк рангли целлофанга скотч билан ўралган опий гиёвандлик моддаси ашёвий далил сифатида олинди. Унинг оғирлиғи 1 килограмму 795 граммдан зиёд бўлиб чиқди...

Қўқон шаҳрида яшаган, 27 ёшга кирса-да, ҳеч қаерда ишламаётган Улугбек Кимсанов 2011 йил киш кўнларининг бирида Бекобод шаҳрида яшовчи қариндошининг тўйига боради. Тўйда тахминан 34-35 ёшлардаги, ярим-ёрти ўзбекча гаплаша оладиган тожикистонлик Элмурод билан танишади. У Улугбекка Тожикистондан опий олиб ўтиб, Қўқон шаҳрида пуллашни таклиф қилади. Улугбек унинг таклифига қўнади ва улар "иш"нинг шартларини ўзаро келишиб олишади.

Келишувга биноан, Элмурод Бекобод туманига чегарадаги айланма йўллардан олиб ўтган 100 грамм опийни Улугбекка 300 АҚШ долларига сотади. Улугбек ўз навбатида опийни Наманган шаҳридаги жума бозоридан ўзини Дилшод деб таништирган йигитга икки баробар қиммат нархда, яъни 600 АҚШ долларига пуллади.

Шу тариқа улар ўртасида ишончли "ҳамкорлик" йўлга қўйилди. 2011 йилнинг март, май, июль ва сентябрь ойларида Элмурод Тожикистондан яширинча олиб ўтган 100-150 граммдан бўлган опийни Улугбекка 300-500 долларга пуллади. У ўз навбатида ажал уругини Бекободдан Наманган шаҳрига олиб келиб, Дилшодга 500-700 долларга сотиб, ҳар сафар 200-300 доллардан фойда қўради.

2012 йилнинг апрель ойи бошларида Элмурод Улугбекнинг қўл телефонига қўнғироқ қилиб, Бекобод туманига етиб келишини сўради. Улар туман дехқон бозори ёнида учрашибди. Элмурод 10 килограмм гашишини Қўқондаги танишига элтиб бериш эвазига 2 минг АҚШ долларини ишлаб олишни таклиф қилди. Синаш учун 1 граммни берди. Улугбек Қўқонга қайтиб келиб, Элмурод телефон рақамини берган қимса билан боғланди. У билан қўришиб, синаш учун олиб келган 1 грамм гашишини тутқазди. Намуна нусхаси харидорга ёқди. "Мен орқали аввалдан уш икки минг доллар берсангиз, ўн килограмм бериб юборар экан", дея Улугбек Элмуроднинг шартини эслатди. Нотаниш харидор ўзининг шартини айтди: "молни келтиргангиздан кейин пулни бераман". Харидор Элмуроднинг ўзи билан ҳам телефонда гаплашди. Бироқ иккаласи келиша олмади, харидор "керак эмас", дея тўнини тескари қийди.

— Иш унади, — дея қўрсатмасини давом эттиради Улугбек Кимсанов. — Орадан бир ҳафтача ўтиб, Элмурод қўнғироқ қилди. Чегарадан Бекобод туманига икки килограмм опий олиб ўтганини, наманганлик таниши Дилшод ва бошқа танишлари уни сотиб беришга қўнганларини айтди. Менга опийни тўққиз юз долларга берадиган бўлди. Мен Ташкент вилоятининг Бекобод туманидан опийни келтириб бера оладиган одам излашга киришдим. Риштон туманида яшайдиган, Бағдод туман Марказий шифохонасининг ҳамшираси, танишим Шоирахон тақлифига қўнади. Лекин биронта одам топиб беришга ваъда қилди. Шундан сўнг Бағдод туманига борганимда мени ўш билан бирга ишлайдиган ҳамшира Гули билан таништирди. Гулига "2 килограмм опийни белингизга боғлаб келтириб берсангиз, йўлқаридан ташқари 300 минг сўм бераман. Ҳеч бир хавфсирайдиган, қийин жой йўқ", деб қўнғирдим. Унга опий учун 900 АҚШ долларини, йўлқарисига 69 минг сўм бердим. Гули манзилга етиб бориб, менга қўнғироқ қилди. Унга Элмуроднинг телефон рақамини айтдим. Гули телефонда уни топиб, 900 доллар эвазига олган 2 килограмм опийни қорнига боғлаб келаятганида, постда қўлга олинди. Мен Элмурод билан Ўзбекистоннинг Бекобод туманида танишганман. Тожикистонга бирон марта ҳам борманман, чегарани кесиб ўтмаганман. Нархотик моддаларни чегарадан айланма йўллар билан олиб ўтиш ва сотиш қонунга хилофлигини билардим, лекин...

Лекин оёғи остидан чиққан тайёргина луқмадан қандай воз кеча олсин! Мўмайгина пул ишлаб оламан, деб билла туриб, жиноятга қўл урган У.Кимсановнинг шериклари Шоирахон Рўзиев ва Гули Халилова ҳам айбларига тўлиқ иқро бўлишди. Инсон саломатлиғи, ҳаётига хавф солувчи гиёвандлик воситаларини ўтказиш оғир жиноятлар сирасига кириди. Суд бировларнинг ҳаётларини сўндириш эвазига пул ишлаб олмақчи бўлганларга қилмишларига яраша озоликдан маҳрум этиш жазосини тайинлади.

# Фирибгарнинг қабих қилмиши



Инсон бошига ташвиш тушса, аввало, яқинлари, атрофдаги дўсту биродарларига сўянади, уларнинг ёрдам ёки маслаҳатига муҳтожлик сезади. Бутун дунё ғами гарланадиган тушгандай тушқун кайфиятда катта йўлни кесиб ўтиб, сояга талпинган Ёрқин Зарипов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) эски таниши Алишер Холовни учратиб қолади. Одат бўйича икки таниш бир-биридан ҳол-аҳвол сўраб кетишди.

— Э, бормисиз, ишларингиз яхшими? Уйдагилар яхши ўтиришибдими?...

— Раҳмат. Ўзингиз тинчмисиз? Нималар қилиб юрибсиз?

— Юрибмиз, тирикчилик дардида, оила ташвиши деганларидек.

— Ҳа, яхши. Ширин ташвишлар бор бўлсин.

Шу тобда Ёрқин аканинг хаёлига қамоқда ётган ўғли келиб, илтижомом сўз қотди.

— Биласизми, сизни учратганим яхши бўлди. Бир ёрдамнингиз керак бўлиб турибди.

— Нима гап? Қандай ёрдам керак? — деди Алишер.

— Шу, ўғлим тўғрисида...

— Ҳа, гап бу ёқда денг. Тузукми ўзи?

— Ҳа, тузук. Фақат анча қийналибди. Биласиз, ҳали ёш йигит. Шунга олдинроқ чиқаришнинг имкони бормикан, деб тургандим.

Отанинг шамаси Алишерни руҳлантириб юборди.

— Шунга хавотирланиб юрибсизми? Сикилманг, Тошкентда танишларин бор. Бир йўлни кип чиқарамиз, — дея Ёрқин акага далда берган бўлди.

Алишернинг асл ниятидан беҳабар Ёрқин ака айни пайтда уни нажот фариштасидек кўра бошлади.

— Умрингиздан барака топинг, ука. Шу ишда ёрдам қилсангиз бутун умр миннатдор бўлардим сиздан.

— Биласиз, ҳозир ҳеч нарса ўз-ўзидан бўлмади, — дея каловланиб мақсадга қўнди Алишер. — Ўзимга боғлиқ бўлганда-ку, шундоқ хал қилиб берардим ишингизни. Лекин ўртага бошқа одамлар тушади-да. Уларни рози қилиш керак бўлади.

Ўғлини озодликда қўриш дардида юрган ота учун пулнинг аҳамияти йўқ эди.

— Ундан хавотир олмаг. Бу ёғини пиширсангиз бўлди.

Ўқ мўлжалга аниқ текканидан сўнг Алишер айёрона тиржайиб, Ёрқин аканинг елкасини қочди.

— Бунақа ишлар бизга чўт эмас, Ёрқин ака. Сиз тайёр қилаверинг, мен бу ёғини тин-

читаман.

Дарахт соясидаги суҳбатдан сўнг иккалови ҳам манзиллари томон кетдилар. Уйига хурсанд қайтган ота эртасига ўлини қўриш учун Зангиотага келди. Йўлда биров чарчаган Ёрқин ака дарвоза олдида чўқкалаганча ўйга толди. Бир муддатдан сўнг ўғлининг чиқанлигини айтишди. Ота бола салом-алик қилишганидан сўнг Ёрқин ака аста гап бошлади.

— Яна озгина қолди, ўғлим. Бир танишим билан гаплашдим. Сени бу ердан чиқаришга ёрдам бераркан.

Панжара орти ҳаётидан мункайиб қолган йигитча гапирмоққа шошилмади. Бир нуктага тикилган қўйи бир зум хаёлга берилиб, оғир хўрсинди. Отасининг гапи рост бўлган тақдирда ҳам бу ердан чиқиш осон эмаслигини яхши англаб турарди.

— Кучи етадиган одамларми ўзи? Тезлатса яхши бўларди, — деди йигитча ишониб-ишонқирамай.

Хурсандчилигини ўғлига ҳам етказиб қайтган ота вақтни зое кетказмай ишга киришди. У биринчи гап Алишерга 1 млн. 200 минг сўм, кейинроқ эса 2100 АҚШ долларини тутқазди. Афсуски, қўйинини пуч ёнгоққа тўлғазиб, ёлгон ваъдалардан нарига ўтолмаётган таниши вақт ўтса ҳамки ишни бажармади.

\*\*\*

Биринчи ишнинг "даромад"идан руҳланган Алишер фуқаро Орифжон Ғуломовнинг ҳам қўнғилига қўл солди.

— Қўринмайсиз ака, — дея бошини қашлаганча гап бошлади Алишер.

— Ишлар билан юрибмиз. Ўзинг тинчмисан?

— Раҳмат. Эшитишимча, акангизнинг автомашинасини тортиб қўйишганмиш, тинчликми?

— Ҳа. Тожикистондан кираётганда божхонада ушлашибди.

— Чакки бўпти. Нима қилияйсизлар энди?

— Нима ҳам қилардик, ода-

ми топилса машинани таъқибдан чиқартириб олардик. Айни шу гапни қутиб турган Алишер Орифжон акани четга олди.

— Хохсангиз, таниш бор, — деди ўзини ишбилармон, танишлари кўп одамдай тўтиб. — Гаплашиб қўришим мумкин. Нима дейсиз?

Алишер тинмай Тошкентдаги танишларининг қудратини, ҳар қандай ишни зумда тинчитишлари тўғрисида гапирар кетди. Унинг гапларига Орифжон ака ҳам илдини қолди.

— Ундай бўлса гаплаш. Пулдан хавотир олма.

Орада танишлар бир неча маротаба учрашдилар. Ана шу учрашувлар Алишерни 2500 АҚШ долларга бойитди. Бироқ ваъда ваъдалигича қилиб кетаверди.

Фирибгарликни ўзига касб қилиб олган Алишер бу сафар очкичасига зўравонлик қилишга ўтди. 2011 йилнинг январь ойида таниши Э.Замаровга тегишли бўлган "Ваз-2106" русумли автомашинани товланмачилик йўли билан қўлга киритиш мақсадида унинг ўғли Я.Замаровга учрайди. Унга иши тушса, у ҳам ҳаммаша тайёрлигини айтиб, йигитнинг қўнғилига йўл топди.

— Ука мени биласан. Шу бир-икки кунга машинангни бериб турсанг. Машинада юриб, қиладиган ишлар бор эди, — деб унга талай ваъдалар берди.

Йигит биров ўйланиб, охири розилик берди.

— Майли. Фақат бир-икки кунга. Отам уришади.

"Отанга ўзим айтман", деганча машинани миниб кетди.

Кун кетидан ойлар ўтди. Бу орада машинани қайтариш Алишернинг хаёлига ҳам келмади. Машинани сўрайверган Я.Замаровга айтадиган баҳоналари қолмагач, турли бўҳтон ёғдириб, ўлдириш билан қўрқита бошлади. Ноилоҳ қолган йигит машинани нотариал тартибда Алишерга расмийлаштириб бермоқчи бўлди. Яхшиямки, машина йигитчанинг отаси Э.Замаров номида эканлиги сабаб Алишернинг режаси пучга чиқди. Бироқ таслим бўлишни истамган фирибгар йигитчани қўрқитиш йўли билан ўзидан 4 млн. 720 минг сўм қарздорлиги сабабли "Ваз-2106" русумли автомашинани гаров сифатида қолдирганлиги ҳақида эски сана билан тилхат ёздириб олди. Биринчи тилхат оққа тушгач, иккинчиси

битилди. Унда олган қарзини қайтара олмаганлиги сабабли ўзининг бошқарувида бўлган автомашина Алишерга ўтганлиги тўғрисида сохта маълумот ёзилган эди. Бу орада унинг ўғли С.Холов машинада киракашлик қилиб юрди. Шундай кунларнинг бирида Я.Замаровнинг отаси ундан машинани олиб қўйди.

"Ваз-2106"ни қўлга киритиш режаси амалга ошмагач, Алишер энди бошқа бир таниши А.Досимовнинг "Нексия"сига "ҳужум" уюштирди. Бу сафар машинага харидор ролини ижро этди.

— Ака, машинани сотмоқчи экансиз, — деди саломалик қуюқ бўлганидан сўнг.

— Ҳа, шундай ниятим бор. Атрофга айёрона назар ташлаб олган Алишер А.Досимовга яқинлашиб, "бор барака"ни бошлади.

— Тўлпорни қанчага баҳо-ляяпсиз? — дея машинани кўздан кечира бошлади.

— 14 млн. 250 минг сўмда тўхталдим. Шундан пасига тушиш ниятим йўқ.

— Энди ака, бир гап. Таниш одамлармиз. Қолаверса, бир-биримизда қилиб кетмайди, тўғрими? Шунга сал келиштиринг.

— Бу бозор ука, келишишмасдан қаёққа борардик. Мен нархини айтдим, сиз сўрангчи?

— Менга қолса пулни бўлиб-бўлиб тўлаш кулай. Шунга келишсақ яхши бўларди.

Савдо ҳа деганда пишавермадан Узоқ давом этган савдолашувлардан сўнг ахйирини бир тўхтамга келишди. Автомашина 14 млн. 160 минг сўмга нархланди. Алишер танишига дастлабки тўлов сифатида 1 млн. 800 минг сўм берди. Қолганини эса кейин беришга келишди. Кунлар кунларни қувиб ҳафтага, ҳафтала эса ойда айланди. Бироқ Алишер ваъда қилган пуллاردан дарак бўлмади. А.Досимов Алишернинг олдида пулни сўраб бораркан, ҳар гал ортга қуруқ ваъда билан қайтарди. Ўз пулини талаб қилиб келаётган А.Досимов фирибгарнинг кўзига ёв бўлиб қўрна бошлади. Биргал уни дўк-пўписа билан ҳайдаб солди. Кейинги сафар ўлдириш билан қўрқитиб, машинани нотариал тартибда олди-сотди шартномасига асосан ўғли С.Холов номига ўтказишга эришди.

Аммо А.Досимов ҳам осонликда таслим бўлмай кўча-кўйда учрашиб қолса ҳам пулини талаб қилаверди. Ҳоқеаларнинг бу зайилда давом этиши Алишернинг тоқатини тоқ қилди ҳамаси, орани очиб қилиб олиш мақсадида А.Досимовни холи бир жойга чақирди. Ўз қўнғилида пуллари-ни олишдан умидвор учрашув жойига келган А.Досимов ўз қўллари билан Алишердан 14 млн. 160 минг сўм қарздорлиги, шунинг учун ҳам машинани унга қолдиргани ҳақида тилхат ёзиб берди. Чунки, Алишер бу гал ҳам уни ўлдириш билан қўрқитади.

"Қаҳрамонимиз" тилхатни қўлга олгандан сўнг бир муд-

А. НАЗАРОВ,

Бош прокуратура бошлиғи

дат хотиржам юради. Бироқ ким ҳам шунча пулдан осонликча воз кечиб юборарди. А.Досимов яна пуллари таллаб қила бошлади. Ҳар хил найранглари иш бермаган Алишер ахйирини уни гумдон қилиш режасини тўзди. Табиийки, бундай қабих "операция"ни амалга оширишда унга шерик керак эди. У бу ишга ўғли С.Холов ҳамда таниши З.Мухторовларни жалб қилади. Яна биттаси эса, йўл-йўлакай гуруҳга бирлашади.

Жиноий режаларига биноан, С.Холов Н.Хусановга тегишли "Дамас" автомашинасини отворка ёрдамида очиб, олиб қочади ва уйига ҳайдаб келади. А.Холов уйига меҳмон бўлиб келган Р.Умаровни ҳам ўз тўдасига қўшиб олади.

— Сизлар ўғлим билан гаражга бориңлар, — дейди у Р.Умаровга. — У ерда керакли нарсалар бор.

Улар Алишер бюрганидай гаражга келиб, спорт штангаси ва аркони олиб, "Дамас"га ортишади. Тўғри соат бирлар чамаси А.Досимовнинг уйи яқинида шай бўлиб турган жиноий тўда "объект" кўриниш бериши билан ишга киришади. С.Холов унга пешвоз чиқиб, машинага ўтиришни таклиф қилади. Ҳеч вақонда хабари йўқ А.Досимов машинага ўтиради. Улар жиноий гуруҳ аъзоси З.Мухторов яшайдиган ҳудудга қараб йўл олишади. У ердан "Фарход" канали ўтган бўлиб, атрофи малина ўсадиган участкалар, шунингдек, аҳоли яшамайдиган ҳудуд эди. Машина тўхтагач, Алишер А.Досимовга қараб, ўдағайлаб кетади.

— Сен ким билан ўйнашаётганингни биласанми ўзи? — деганча жабрдийданинг ёқасидан олади. Машинадан тушар-тушмас жағига мушт уради. Зарба қучидан ерга қулган А.Досимов жон ҳолатда бақира бошлади.

— Сенларам одамимсан?... Ҳайвоннинг иши-ку, бу.... — дея ўрнидан туришга ҳаракат қилади.

Аммо бўйинга Алишер томонидан солинган арқондан бўғилиб, ахйирини жон таслим қилади.

Сўнг жиноий гуруҳ мурдага спорт штангасини боғлаб каналга ташлаб юборади. Гўё шу канал уларнинг жиноятларини оқизиб кетадигандай, ҳеч ким уларнинг изини топа олмайдигандай эди. Аммо ҳеч қандай жиноят беиз кетмади.

Оқоридидаги фирибгарлик, товланмачилик қолаверса, жиноий гуруҳ бўлиб амалга оширилган қотиллик юзасидан олиб борилган тезкортергов жараёнларида бир неча бор судланган Алишер Холов ва унинг шерикларининг барча қирқдорларни фош этилди. Суд Алишер Холов ва ўғли С.Холовга 20 йил, З.Мухторовга 17 йил, Р.Умаровга 19 йил муддатга озодликдан маҳрум этиш жазосини тайинлади.

# Жамият учун ёт иллат

Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техник жиҳатдан ва молиявий таъминлаш Департаменти вилоят бошқармасининг бошлиғи пора билан қўлга тушибди, деган гапга биров ишониб, биров ишонмайди. Шундай обрўли идорани бошқариб келаётган, адолатпеша инсон пора олиши мумкинми?

Аммо суд ҳужжатларидан кўринадиги, Нодиржон Жумаев адолатпарварликни ўзига никоҳ қилиб олган бўлса-да, аслида ўзининг гаразли мақсадларини амалга оширишга кўпроқ қизиқадиган кишилар тоифасидан.

Маълумки, инсон ўз ҳаёти давомида кўп нарсаларга эҳтиёж сезади. Баъзилар уни қондириш, яъни эҳтиёж сезган ҳарасини қай йўл билан бўлмасин қўлга киритиш учун ҳар қандай жиноятга қўл уришдан қайтмайди. Масалан, дўкундан иш қоразлари учун портфель сотиб олиш катта ҳаражатни талаб этмайди, бироқ бошқарма бошлиғи Нодиржон Жумаев бор йўғи 205 минг сўм турадиган портфель учун ўзининг шаъни ҳамда мансаб макъени бир пул қилиб, уни пора сифатида олишни лозим топди ва ана шу мақсадда Алишер Ҳамзаевнинг кўнглига қўл солиб кўрди: "Сиз шахарни яхши биласиз, хизматда фойдаланиш учун ичма-роқ портфеллар қаерда сотилади?" Бу саволни суд ижрочили-ри Қарши шаҳар бўлими катта ижрочиси Алишер Ҳамзаев шамма маъносидега тушунди. "Хўжайини портфель керак бўлса ўзи оларди, бундан мендан сўраб ўтирмасди, модомики, мендан сўраётган экан, демек, пора беришини кутипти", деган ҳаёлга борди. Зеро, бошқарма бошлиғи А.Ҳамзаевнинг ишдан четлаштирилишига ҳам онда-сонда шамма қилиб қўётган. Шамма, бу ҳали пора дегани эмас. Аммо унинг тагида тамагирик ва порахўрлик каби иллатлар биқиниб ётган бўлса-чи? Ана шундай гумонлар А.Ҳамзаевнинг ҳаёлидан ўтди ва тез орада ҳақиқатга айланди.

Нодиржон Жумаев 4 июль куни Тошкент шаҳрида ўтказиладиган мажлисга бориши муносабати билан А.Ҳамзаевни ўз хизмат хонасига чақириб, 300 минг сўм беришини сўради ҳамда ўзининг фуқаролик паспортини унинг қўлига берди, 4 июль кунига авиапикет олиб беришини талаб қилди.

Хизмат учун портфель сўрашдан бошланган тамагирик аста-секин авж олиб, 500 АҚШ долларига етди. Бошқарма бошлиғи Алишер Ҳамзаевни Департаментда учратар экан, энди ҳеч қандай шамма қилиб ўтирмасдан унга қараб: "Қарз бериб тура оласанми?" деб сўради. "Қарз" миқдори 500 АҚШ доллари бўлиб, уни Ҳамзаевдан биратўла ололмаслигини билган, бошқарманинг собиқ бош ҳисобчиси Р.Бозоровга мурожаат қилди. Ошна-оғайниларидан қарз сўраш айб эмас, бунга ҳеч қим жиноят, деб ҳисобламиди. Бироқ суд ҳужжатларидан, гувоҳларнинг кўрсатувлари ҳамда бошқа ашёвий далиллардан кўринадиги, Нодиржон Жумаевнинг қарз сўраши бежизга эмасди. У поранинг ана шундай ўзига хос, юмшоқ усулидан фойдаланмоқда эди. 2011 йил 13 июль кунки А.Ҳамзаев талаб қилинган, аммо қарз сифатида сўралган сумманинг эҳтиёткорлик юзасидан фақат 100 долларини берди. Орадан ун қун ўтиб, яъни 16 сентябрь куни қолган 400 долларни ҳам олаётганда порахўрнинг пайи қирқилди. Ҳамзаевни ишдан бўшатмоқчи бўлиб, унга турли тазйиклар ўтказиб ва агар у ўз лавозимида қолиб, ишни давом эттириш-ни хоҳласа, пора бериши кераклигини шамма қилиб келаётган Н.Жумаев Миллий хавфсизлик хизмати бошқармаси ходимлари томонидан жиноят устидега ушланди.

Судланувчи Н.Жумаев айбига иқдор бўлмай, ҳақиқатан ҳам 2009 йил 1 июлдан бошлаб Департаментнинг вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи лавозимида ишлаб келаётгани, дастлабки тергов органи томонидан унга гўёки катта суд ижро-чиси А.Ҳамзаевни ишдан бўшатмоқчи бўлиб, ходимга нисбатан турлича тазйиклар ўтказиб, пора олган, деб нотўғри айб қўйилгани, у Ҳамзаевни мазкур лавозимга тайинла-магани сабабли, хоҳлаган тақ-дирда ҳам уни ишдан бўшата олмаслигини рўқач қилади.

Азамат МИРЗАЕВ,  
Қашқадарё вилоят прокуратураси  
бўлим бошлиғи  
Отабек ТОҒАЕВ,  
вилоят прокуратураси АМИБ  
терговчиси

Портфель олиш, авиачипта, АҚШ доллари ва пора тариқа-сида сўралган ҳамда "қарз" ни-коби остига ҳаспўшланган ҳолатларни "Мен Ҳамзаевни яхши одам деб сўраган эдим" деган асоссиз гаплар билан рад этишга уринди.

Унинг судда кўрсатув бери-шича, гўё Ҳамзаев уни "Шарқ зиёкори" дўконига олиб борган. "Хўжайин, портфель ёққан бўлса олинг" деган. Аммо қиммат бўлгани учун олмаган.

Жабрланувчи А.Ҳамзаевнинг ўзи бу ҳақда қуйидагича кўрса-тув беради. Н.Жумаев уни хиз-мат хонасига чақириб, портфель кераклигини айтади. Сўнг икка-ласи бирга дўконга бориб, портфель танлайдилар. А.Ҳам-заев кейинроқ портфелни олиб, ҳайдовчи Б.Турсунов орқали хўжайиннинг хонасига киритади. "Унинг гапларини "Сени ишдан бўшатаман" деяпти, деб тушун-дим, пул сўраганини пора, деб ўйладим", дейди жабрланувчи А.Ҳамзаев.

Жабрланувчининг бу гаплари тўғри эди. Бошқарма бошлиғи "қарз" сўраш билан пора талаб қилаётганда ва бу дастлабки тергов ҳамда суд жараёнида очиб ташланди.

Нодиржон Жумаевнинг по-раҳўрлиги ашёвий далиллар, гувоҳларнинг берган кўрса-тувлари ва жиноятни аниқ-лашда қўлланиладиган бошқа воситалар асосида ўз исботи-ни топди.

Пора олиш жараёнида қўлга тушган Нодиржон Жумаевга нисбатан 10 йилу 6 ой муддатта озодликдан маҳрум қилиш жа-зоси тайинланди.

Ушбу воқеалар асосида кўриниб турибдики, порахўрлик — жамиятимиз учун ёт иллат. Бунга бизнинг адолатпарвар қонунларимиз, халқимиз онига чуқур сингиб кетган азалий қад-риятлар ҳам йўл бермайдди. Аммо қандайдир қинғир йўллар билан пора олган кишилар эғла-лаб турган лавозимларидан қатъи назар, қонун олдида адо-лат ва ҳақиқатга юзма-юз жавоб беришга мажбурдирлар.

Гуланом Туркиянинг Измир шаҳрида турк миллатига мансуб Мустафа исми киши билан яшарди. Улар Самарқанд шаҳри-да яшовчи акиси Азим ва сингисини Наргизалар билан ўзаро жиний режа тузиб, ишга киришишди. Режага биноан Гулан-дом Самарқандга кўп миқдорда пул жўнатар, Азим ва Наргиза эса бу пуллар эвазига ёш қиз-жувонларни "Туркия давлати-да ошхонада ёки фирмада ишлайсан, ойинги фалон доллар" каби сохта ваъдалар билан олиб бориб, сотиб юборишарди. Не орзу-умиларда хорижга йўл олган қиз-жувонларни хўрлик, азоб-уқубатлар кутиб турарди.

## Измирдаги изтироблар

Улугбек ҲАМРОКУЛОВ,  
Самарқанд вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси

Самарқанд шаҳрида яшовчи Рисолатнинг ҳам бошига ана шундай қора кунлар тушди. Азим ва Наргиза унга узоқ-роқ қариндош эди. Кунларнинг бирида Рисолатнинг уйига улар меҳмонга келишди.

— Туркияга борасизми? — дейишди гап орасида. — У ерда сиз кекса одамга қарайсиз, эвазига ойига 1000 доллар маош оласиз. — Билмасам, — деди Рисолат ўйчан аҳволда. — Бегона жой бўлса, бунинг устига уларнинг тилини ҳам билмайман.

— Ўйланманг, у ёқда танишларимиз бор, тили бизникига ўраш, тез кунда ўрганиб оласиз, — дейишди улар мижозни қўлдан чи-қармасликка ҳаракат қилишиб.

Шундан сўнг қариндошлар "Туркияга кетасизми, ўйлаб кўрдин-гизми?", деб ҳар қуни кўнғироқ қилишаверди. Хуллас, Рисолат-ни Туркияга боришга кўндиришди. Бироз вақт ўтиб, "ишга жой-лашиш ва авиа чиптага" деб 1550 АҚШ долларини олиб кетиш-ди. Қутилган вақт келган, учаласи Тошкент халқроқ аэропортидан Туркиянинг Истанбул шаҳрига учиб кетишди. Истанбул аэропо-ртидан эса Измир шаҳрига автобусда боришди. Измир шаҳри ав-товокзалида уларни Гуланом бир турк киши билан кутиб олди. Дастлабки кунлар яхши ўтди. Аммо айтилган ишдан дарак бўла-вермади. Бунинг устига Азим унинг паспортини: "Бу менда тура-ди, йўқолмаслик учун", деб олиб қўйди. Шундан сўнг уни ҳақиқат-дан бир кекса кишиши бор оилага олиб боришди. Бироқ, у ерда бир неча ой ишласа ҳамки, бир тийин ҳам ололмади.

— Келганимдан буён шунча вақт ишладим, иш ҳақимни қачон беришди? — деди кунларнинг бирида соддадил Рисолат.

Аммо унинг саволи жавобсиз қолди. У ўзини олдинда қандай хўрликлар кутиб турганини билмас эди.

— Сен эди меникисан, сени уч миллион лирага сотиб ол-дим, — деди Мустафа. Азим эса унинг исботи сифатида Рисо-латнинг паспортини Мустафага тутказди. Ўз навбатида Муста-фа Рисолатни бир уйга қамаб қўйди-да, бегона эркакларга қўйиш йўли билан шахвоний мақсадларда фойдалана бошла-ди. Қаршилиқ кўрсатиш бегойда бўлиб, ҳеч қаерга кетолмас, ҳар қуни турли ҳақорат ва калтаклар ёмғири остида кун кечи-ра бошлади. Ана шундай кунларнинг бирида Рисолат Азим ва Наргиза билан учрашиб, жанжал қилди. Бу можарони устига келиб қолган турк полицияси Азим билан Рисолатни Ўзбекист-онга депортация қилди. Шунча хўрлик-у азобларни бошидан кечирган Рисолат ўз уйига келган, оқибатсиз қариндошларин-нинг қилмишлари ҳақида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идорага ариза билан мурожаат қилди.

Суд Азим Тошпўлатовга жазо тайинлашда унинг биринчи бор судланаётгани, қарамоғида онаси, ишламайдиган турмуш ўртоғи ва ун нафар фарзанди борлигини инобатга олиб, 3 йил муддатта озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

## Найрангбоз куёв

Азим МИРЗАҲМЕДОВ,  
Олмалиқ шаҳар прокурори ёрдамчиси



диган уй бормикан: Ҳар қалай эркак кишимсиз...

У шундай дея эҳтиёт бўлишни қайта-қайта тайинлаб, минг долларни олиб чиқиб берди.

Орадан бир неча кун ўтган, Хайрул-ла эски таниши Шерзодни учратиб қолди. Шерзод гап орасида уйини сот-моқчилигини айтиб қолди-ю, Хайрул-ла қайнонасининг уй ҳақидаги илтимо-сини эслади. Нарҳини сўраган эди, 6 минг доллар, деган жавобни олди. Шу заҳоти миёсига келган фикрни ортга қайтармай, Шерзоддан уйини иҳарига бериб туришини сўради. Хуллас, бир ойга 100 АҚШ долларидан, 6 ойга 600 долларга келишишди-да, Хайрулла қай-нонасидан олган пулдан 600 долларни Шерзодга узатди.

Шундан кейин тўғри қайнонасининг олдиға йўл олди. У билан учрашган, бир таниши уйини сотмоқчилигини, нарҳи 6 минг доллар бўлиб, ҳозирча 4 минги-ни, 2-3 йилдан сўнг қолган 2 мингини

беришса ҳам бўлаверишини айтиб, суюнчи сўраган бўлди. Қайнонаси уйни кўрмоқчилигини айтган эди, олиб келиб, Шерзоднинг уйини кўрсатди. Уй ёққан, ўндан қолган 4 минг долларни ҳам олган Хайрулла кўп ўтмай қайнонаси билан қайнсинглисини кўчириб келди. Аммо уйнинг ҳуж-жатларини қачон расмийлаштирамиз, деган саволдан ўзини олиб қоча бош-лади.

Бир неча ойдан кейин Шерзод она-сидан эшитган гапидан сочи тикка бўлиб, ижарачилар яшаётган уйга югурди. Эшикдан қирар-қирмас, рўпа-расидан чиққан Хайрулланнинг қайно-насига юзланди:

— Хола, ўзингиз иҳареда яшаяпсиз-ку, яна нега уйни сотиб олдим, деб ёлғон гапирасиз.

Бу гапни эшитган қайнона ҳам до-вдираб қолди. Шоша-пиша куёви ўрта-да туриб, шу уйни олиб берганини айтиб берган эди, энди Шерзоднинг асаби қайнай бошлади...

Қайнонасини алдаб, пулларини ўзлаштирган Хайрулла сири ошкор бўлган, қилимишдан пўшаймон бўлиб, кеңириб сўрашга тушди. Афсуски, энди жуда ҳам кеч. Суд томонидан ўзининг қайнонасини чув туширган фариббага қилмишига яраша жазо тайинланди.

Хайрулла қайнонаси уйини сотган-лигини эшитган-ю, босар-тусарини билмай қолди. Тўғри, кўп эмас, аммо 5 минг 500 АҚШ долларини ҳам кичкина пул эмас. Хуллас, Хайрулла вақтни ўтказмай, унингиза зумла етиб келди. Салом-аликан сўнг, се-кин гап бошлади:

— Ойижон, хабарингиз бор, Россия-даям ишлаб келдим. Ўхшамасди. Бир сўм ҳам орттиролмадим. Бу ердаги ишларим-ку, олға силжий демайди.

Хайрулла қараса, қайнонаси гап-ни бўлмай, жимгина эшитиб ўтириб-ди. Бунақа қулай вазият бошқа келмас-лигини англаб, пайтдан фойдаланиб қолишга уринди.

— Ишларимни йўлга қўйиб олгуним-ча, озроқ пул керак бўлиб қолди. Агар иложи бўлса, ёрдам берсангиз.

— Нима, бизнес қилмоқчимисиз? Аммо осон иш эмас. Шунин биласиз-ми? — ниҳоят савол берди қайнонаси.

— Йўқ. Очигини айтсам, бир-икки-тасидан қарзим бор. Биринчи галда шулардан қултўлсам дегандим. Назаримда, шу қарзалар ишимни орқага тортиб кетаётганга ўхшайди.

Қайнонаси нияям десин? Қизи шу йигитнинг қўлида бўлса. Куёви гарчи тожикистонлик бўлмасам, ёмон йигит эмас. Ўртада бир нафар фар-

## Ўзбекистон ва мurosасиз

Ўтган ҳафтада Англиянинг Лондон шаҳрида XXX ёзги олимпиада баҳслари старт олади. Айни пайтда бутун дунё нигоҳи қадалган олимпиада ўйинларида юртдошларимизнинг ҳам иштирок этиши қувонарли ҳол, албатта.

Биринчилардан бўлиб баҳсларга киришган дзюдочимиз Ришод Собиров Ўзбекистон делегациясига ilk медални тақдим этди. Ярим финалда қадар рақибларига ҳеч қандай имконият қолдирмаган Ришод, айнан ярим финалда россиялик Арсен Галстянга имкониятни бой бериб қўйди. Бронза медали учун кечган беллашувда эса рақибини аяб ўтирмади.

Олимпиада ўйинларининг кейинги кунларида баҳсларга киришган бир қатор вакилларимиздан Фазилдин Гаипназаров 60 кг вазн тоифасида камерунлик Абдон Йячинте Мевелига қарши рингга чиқиб, 11:6 ҳисобида ғалаба қозонди. Нимчорак финалда Гаипназаров АҚШ боксчиси

## баҳслар



Хосе Рамирес билан кураш олиб боради. Спортнинг бокс тури бўйича юртимиз шаънини ҳимоя қилаётган Аббос Атоев ва Уктамжон Раҳмоновлар ҳам рақиблари устидан ғалаба қозониб, кейинги босқич масаласини ижобий ҳал этишган.

Олимпиада-2012 мусобақаларининг теннис турида иштирок этаётган ҳамюртимиз Денис Истомин аввалига испаниялик Фернандо Вердаскони, кейин эса люксембурглик Гилес Мюллерни мағлуб этди. Истомин кейинги босқичда дунёнинг энг kuchli ракетка усталиридан бири Рожер Феде-

рерга қарши баҳс олиб борди ва мағлубиятга учради.

Лондон олимпиадасида муваффақиятли одимлаётган спортчиларимиздан ташқари бир қатор атлетларимиз, жумладан, Орзубек Шоимов(бокс), Раънохон Аманова(сузиш), Баҳром Мендибоев(огир атлетика), Руслан Макаров(огир атлетика), Мирзохид Фармонов(дзюдо), Наврўз Жўрақобиллов(дзюдо) қабила мусобақаларни эрта тарк этишди.

XXX ёзги олимпиада ўйинларида ўз юришларини давом эттираётган ва энди баҳсларга қўшилаётган спортчиларимизга омад тилаймиз!

## Конте четлаштирилди

Хабарингиз бор, Евро-2012 мусобақалари бошланиши олдидан Италияда келишилган ўйинлар машмашаси бошланган бўлиб, мамлакатнинг 2011-2012 йилги мавсумдаги чемпиони Туриннинг "Ювентус" клуби бош мураббийи Антонио Конте ҳам келишилган учрашувларда иштирок этганлиқда айбланаётган эди. La Gazetta Della Sport наشري томонидан хабар қилинишича, мураббий суриштирув иши билан ҳамкорлик қилганлиги сабабли, унга енгилроқ жазо тайинланган.

Қирқ уч ёшли мутахассис уч ойга футболдан дисквалификация қилинди. Жазо муддати 1 ноябрга қадар давом этади. Шунингдек, Конте яна 200 минг евро миқдорида жарима тўлайди. Ушбу маблағнинг барчаси май ойида Италиянинг шимолида рўй берган зилзиладан хабар кўрганларга ёрдам тариқасида тўланади.

Эслатиб ўтамиз, Антонио Конте 2010-2011 йилги мавсумда "Сиена" клуби бош мураббийи бўлиб турган даврда қилган учрашувларда иштирок этганлиқда айланганди.

## Кэрролл «Вест Хэм»га ўтди

"Вест Хэм" "қизиллар" ҳужумчиси Энди Кэрроллнинг ижараси борасида келишиб олди. "Ливерпуль" футболчининг ижараси учун 2 миллион фунт стерлинг оладиган бўлди.

Агарда "Вест Хэм" Премьер-лигада қолса, у ҳолда Кэрроллни 17 миллион фунт эвазига сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлишади. Ўтган мавсумда 23 ёшли ҳужумчи "мерсайдликлар"нинг сафида 35 та учрашув ўтказиб, 4 та гол урган.

## «Челси» ярим ҳимоячиси «Вердер»га ўтди

"Челси"нинг 21 ёшли ярим ҳимоячиси Кевин де Бройне кейинги мавсумда ижара асосида "Вердер"да тўп тепадиган бўлди. Клублар футболчининг ўтиши учун 1,3 миллион еврога келишганлар.

Эслатиб ўтамиз, де Бройне "Челси" билан январь ойида шартнома имзолаган эди.

## Клюйверт мураббийлар штабида

Голландиялик таниқли футболчи Патрик Клюйверт мамлакат термасининг мураббийлар штабига киритилди. У бош мураббий Луи ван Галнинг ёрдамчиларидан бирига айланади.

36 ёшли собиқ ҳужумчи Голландия термасидаги фаолиятини "Твенте"даги иши билан бир вақтда олиб боради.

## Вилья тузалди

2011 йилги клублар ўртасидаги Жаҳон чемпионати вақтида чап оёғининг болдир суякларини сиңдириб олган "учар Вилья" нийоят тузалди. "Барселона" клуби ҳужумчиси салкам бир йилдан бери қийнаб келаётган жароҳатидан бутунлай фориғ бўлган. Хабарингиз бор, айнан жароҳат сабаб Давид Вилья Евро-2012 мусобақаларини ўтказиб юборишга мажбур бўлган эди.

У ҳозирча учрашувларда иштирок этишга тайёр эмас, футболчи аввал жисмоний ҳолатини тиклаб олиши лозим.

Мақсудали ҚАМБАРОВ тайёрлади

## Ўзбекистон (U19) терма жамоаси халқаро турнирда қатнашади




Ўзбекистон (U19) терма жамоаси 2-8 сентябрь кунлари Вьетнам мезбонлик қиладиган халқаро турнирда иштирок этадиган бўлди. Вьетнамдаги халқаро турнирда Аҳмадхон Мусаев бошқарувдаги Ўзбекистон ёшларидан ташқари Эрон, Австралия ва мезбон Вьетнам ёшлар терма жамоалари ҳам иштирок этадилар. Регламентга кўра, иштирокчи мамлакатлар гуруҳ тизимида ўзаро 3 та тур ўтказишади. Гуруҳ аъносида кўра, дастлабки икки ўринни эгаллаган мамлакатлар финал ўйинида майдонга чиқишса, 3 ва 4-ўрин эгалари турнирнинг учинчи жамоасини аниқлаш учун алоҳида ўйинда иштирок этишади.

Халқаро мусобақада иштирок этувчи мамлакат делегациялари 31 август кuni Вьетнамнинг Хо Чи Мин шаҳрига етиб боришади. 1

сентябрь кuni жамоа менежерлари иштирокда учрашув бўлиб ўтса, 2 сентябрьда 1-тур старт олади.

Кўрмага кўра, ilk турда футболчиларимиз австралиялик тенгдошларига қарши кураш олиб борадилар. 2-турда Эрон ва нийоят 3-турда Вьетнам Ўзбекистонга рақиблик қилади. Ўйинлар кунора ўтказилади. Мос равишда 1-тур 2, кейинги турлар эса 4 ва 6 сентябрьга тайин қилинган. 8 сентябрь кuni 3-ўрин учун ва финал ўйинлари бўлиб ўтади.



## Huquq

yuridik gazeta

Muassis:

O'zbekiston  
Respublikasi  
Bosh  
prokuraturasi

Bosh muharrir:

Jahongir MAKSUMOV

Tahrir hay'ati:

Abbosxon SANGINOV  
Muxtor ZOIROV  
Gulnora RAHIMOVA  
Yusufboy GOIPOV  
Svetlana ORTIQOVA  
Baxtiyor NAZAROV  
(Bosh muharrir o'rinbosari)  
Shavkat YODGOROV  
(mas'ul kotib)

Tahririyat manzili:

Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 233-98-40,

233-10-53

Faks: 233-10-53,

233-64-85

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.  
Sotuvda kelishilgan narxda

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqrig qilinmaydi va egalari qaytarilmaydi.  
Mualif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farglanishi mumkin.  
«HUQUQ» materiallarini ko' chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.  
□ — tijorat material.  
Reklama materiallarining mazmuni uchun tahririyat javobgar emas.

Nashr ko'rsatkichi  
231

Buyurtma j-5075 46 347 nusxada bosildi.  
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.

Navbatchi muharrir: M.DUSIYAROVA

Musahhih: M.QAMBAROV

Navbatchi: O'.DEHQONOV

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 18.00.

Topshirildi: 17.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta «O'zbekiston» nashriyot matbaa ijodiy uyida chop etildi.  
Korxona manzili: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2009-yil 12-oktabrida 0188-raqam bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-7617

